# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Узбекистон» (1924—1964 й). «Совет Узбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 163 (21. 262) 1992 йил 19 август, чоршанба ●

ОБУНАЧИГА—1 СЎМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА


# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИГА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ КИРИБ КЕЛМОҚДА



Серқуёш диёримиз тарихида янги саҳифа очилмоқда. Халқимиз биринчи марта миллий истиқлол тантаналарига ҳозирлик кўрмоқда. Асрий орзуларга муяссарлик олам-олам қувонч бахш этмоқда. Яна ўн икки кундан кейин юз берадиган умумхалқ байрамининг илҳомбахш нафаси ҳозирданоқ уфуриб турибди. Бу, Тошкентнинг бош майдони — Мустақиллик майдони умумий қиёфасида намоён. Муаззам кенгликда бир қатор таъмирлаш ва бунёдкорлик ҳамда орасталаш ишлари қизғин бормоқда. Пойтахт хўжалигининг турли корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ўз ишларини жадал бажаришмоқда.



Майдонда юз берадиган янгиликлардан бири салобатли постамент устига ўрнатиладиган куррайи заминнинг рамзий тимсолидир. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллигига мазмунан ҳамоҳанг, ифтихорлик туйғуси мужассам бу обидани Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари тайёрладилар. 14 тонна оғирликдаги Ер шари кўксига Ўзбекистон Республикасининг харитаси тасвири бўрттириб ишланган. Олтинранг алюмин қотишмасидан ишланган бу тимсолда қуёш акси ва она ерга меҳрнинг ўзига хос уйғунлиги бордек. Авиасозлар уни эрта-индин монтаж қилишга ҳозирлик кўрмоқдалар.



Мустақиллик майдонида 31 август ва 1 сентябрь кунлари бўладиган умумхалқ шодиёналари учун улкан очиқ саҳна ҳозирланмоқда. Унинг умумий сатҳи 1200 квадрат метр бўлиб, бунёдкорлик ишларини Тошкентдаги 12-трестнинг 51 ва 52-қурилиш бошқармалари бинокорлари адо этишмоқда. Катта саҳна атрофида тантана қатнашчилари учун 10 минг ўрин ҳозирланяпти. Безакли ўриндиқларни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бирлашмасининг ишчилари тайёрлашган. Очиқ томошагоҳ атрофида ўрнатилган ўнлаб минаралар алвонлар билан безалади.

Тантаналар куни бу майдондан ўзбек халқининг мустақиллигини мадҳ ва тараннум этувчи бадиий ижрочилик шодиёнасига республикамизнинг жуда кўп ижодкор кучлари жалб этилган. Улар орасида етук санъат жамоалари, турли термалар, халқимизнинг хушовоз ҳофизлари ва жуда кўп созандалари бор. Бу ерда ўзбек миллий кураши мусобақалари ўтказиш учун ҳам ҳозирлик кўрилмоқда. «Эл» ўзбеклар халқаро уюшмаси ғолиблар учун совринлар белгилаган.

**Абдулла ПЎЛАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

* * *

**СУРАТЛАРДА: 1. Ер шари тимсолини қад кўтариши учун тараддуд кўрилмоқда. 2. Василий Хребтов, Жўра Қосимов ва Абдумутал Абдужабборов бошлиқ бригадаларнинг ишчилари. 3. Мустақиллик майдонининг бугунги умумий кўриниши.**

**В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.**

## МУСТАҲКАМ ЗАМИН

РАТА-ТАСС мухбири **Алексей Кузнецов**нинг Деҳлидан хабар қилишича, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили Ҳиндистонга буюрган ташрифи Ҳиндистон — Ўзбекистон муносабатлари учун мустаҳкам замин яратди, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан, шунингдек банк соҳасида битимлар имзолашга имкон берди. Республика ташқи ишлар давлат вазири Р. Л. Бхатиа мустақил Ўзбекистон раҳбарининг Ҳиндистонга ташрифи бир йиллигига бағишланган маросимда шу ҳақда гапирди.

«Ҳиндистон билан Ўзбекистон, — деди вазир, — ўз тарихида кўпгина муштарак жиҳатларга эга бўлибгина қолмай, балки бизнинг замонамизда ривожланаётган барча мамлакатлар учун хос бўлган ўхшаш муаммолар олдида ҳам турибди. Биз ўз тажрибамизни Ўзбекистон билан баҳам кўришга ва ўз навбатида, ундан ўрганишга тайёрмиз».

**(ЎзА).**

## ЛИЦЕЙ МАШҒУЛОТГА ТАЙЁР

Хоразмда ўғил болалар учун очилган биринчи хусусий турк лицейида биринчи сентябрь куни 100 ўқувчи машғулот бошлайди. Мазкур билим даргоҳидан ўрин олиш учун вилоят шаҳарлари ва мактабларининг уч юз ўқувчиси ариза берган эди. Тест усулида синаб кўриш натижаларини компьютерлар аниқлайди.

Ўқишга кирувчиларнинг билими кўпгина фанлар бўйича, қайси соҳаларга қизиқиши ва билим доирасининг кенглиги бўйича текшириб кўрилди. Ҳеч кимга ён босилмади. Урганч, Хива шаҳарлари ва Шовот тумани ўрта мактабларидан келган йигитчаларнинг билим даражаси бирмунча юқори бўлиб чиқди.

Лицейда асосий фанлардан туркиялик ўқитувчилар дарс беришади, улар тез орада Урганчга етиб келишади. Инглиз тили, кимё, математика, физика, биология асосий фанлар ҳисобланади.

— Ҳозирча лицейимизда ўрта мактабларнинг бешинчи ва саккизинчи синфларини битирганларга таълим берамиз, дейди лицей директори Муса Озат. — Ўзбекистон ва Туркия Таълим вазирликлари шундай тўхтамга келганлар. Ўқиш учун пул тўланади, аммо биринчи йили ҳамма харажатларни Туркия томони ўз зиммасига олди. Биз мустақил Ўзбекистон ўқувчиларига ўзига хос тарзда мана шундай ёрдам бермоқчимиз. Шу ерлик болалар бизнинг лицейимизда ўқишга зўр иштиёқ билдираётганликлари жуда қувончлидир. Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ҳам бу ишга рағбат билдириб, ўқув юрти учун Урганч марказидаги кўп қаватли чиройли бинони ажратиб беришди. Талабаларимиз бу ерда ўқиш билан бирга яхши дам олишлари ҳам мумкин.

**Ю. ИБРОҲИМОВ,**
**(ЎзА мухбири).**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА

**● ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ПАРТИЯ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ХДП ФАРҒОНА ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ БЎЛМИШ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Қарорда таъкидланишича, шаҳар партия ташкилоти партия Дастуридан, МК пленумлари қарорларидан келиб чиққан ҳолда ўз диққат-эътиборини ишнинг бош йўналишини топишга қаратмоқда. Фарғона шаҳридаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазият мураккабдир: нарх-навонинг ошиб бориши, кундалик зарур моллар ва маҳсулотларнинг етишмаслиги, турмушдаги муҳим масалаларни ҳал қилишда йўл қўйилаётган тўрачилик ва сансалорлик ҳақли равишда одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётир.

Шаҳар партия ташкилоти шундай вазиятда бу долзарб муаммоларни партия аъзолари бўлмиш халқ депутатлари ва раҳбарлар орқали ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Партия ташкилотининг депутатлар ўртасидаги таъсирини ошириш борасида муайян иш олиб борилмоқда.

ХДП шаҳар кенгаши қошида очилган депутатлар қабулхонаси аҳолига мунтазам равишда ижтимоий-ҳуқуқий масалаларда ёрдам бераётир. Шаҳар ва Қиргули район халқ депутатлари кенгашларида депутатларнинг партия гуруҳлари тузилган бўлиб, улар аниқ мақсадларга йўналтирилган ишчи секциялар орқали фуқаролар наказлари ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилмоқдалар.

Шаҳар партия кенгаши сайловчилар наказларининг ХДП аъзолари бўлмиш барча даражадаги депутатлар томонидан бажарилишини партия Дастури мезонлари асосида халқ депутатлари шаҳар Кенгаши билан биргаликда таҳлил қилиб чиқди.

**(Давоми иккинчи бетда).**

## ИСТИҚЛОЛ УЧРАШУВЛАРИ

**● Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ташаббуси билан республиканинг бир гуруҳ адиб ва шоирлари Фарғонага келишди.**

Ўзбекистон халқ ёзувчилари — Иброҳим Раҳим, Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Мирпўлат Мирзо, шоирлар: Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Муҳаммад Юсуф, Йўлдош Сулаймонлар вилоят меҳнаткашлари билан учрашувларда Ўзбекистон мустақиллиги бир йиллигининг халқимиз ҳаётидаги ўрни, тақдиримиздаги тарихий аҳамияти ҳақида сўз юритадилар.

Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона пиллакашлик фабрикаси, Фарғона районидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалиги, Қува тикувчилик фабрикаси ва бошқа жойларда шундай ҳаяжонли учрашувлар бўлиб ўтди. Адиб ва шоирлар ўз ижодларидан намуналар ўқиб бериш билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг олиб бораётган сиёсатининг жамиятимиздаги ўрни ва роли ҳақида ҳам гапирдилар.

Ёзувчиларнинг вилоят бўйлаб сафарида уларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қиргизбоев ва Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов ҳамроҳлик қилди. Пойтахтдан келган ижодкорларни вилоят ҳокими М. Исломов қабул қилди.

**А. ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Президент Фармони—эл дармони*

## ИЧИМЛИК СУВ КЕЛДИ

Ўтган пайшанба куни Гулистонда митинг бўлди. Митинг марказий майдонда ёки қандайдир маданият уйида эмас, балки шаҳардан бир ярим чақирим олисда «Северная» сув тақсимлаш станциясида ўтказилди. Бу ерга Сирдарё вилояти ва республика сув хўжалиги идораларининг ходимлари билан бирга шаҳарликлар ҳам келишди. Шаҳарликлар учун бу байрам бўлди, байрам бўлганда ҳам тоза сув байрами бўлди. Икки ярим йил тезкорлик билан олиб борилган қурилиш ишларидан сўнг Деҳқонобод—Гулистон сув қувури ишга туширилди.

Митингни Сирдарё вилоятининг ҳокими Б. Маҳмудов очди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков тўпланганлар ҳузурида нутқ сўзлади.

И. Ҳ. Жўрабеков митингда сўзга чиқиб, лойиҳачиларни, қурувчиларни ҳамда Крестьянск ер ости сув манбаидан Гулистонга тоза сув олиб келишда қатнашган барча кишиларни муборакбод этишдан олдин Гулистондан аллақанча чақирим наридаги сув олиш станциясида бўлди, бошқа иншоотларни кўздан кечирди. Бу ерда бўлиш байрамона тантана билан эмас, балки амалий вазиятда ўтди. Ҳукумат бошлиғининг ўринбосари иншоотларнинг техникавий ҳолати билангина эмас, балки ҳудудни обод қилиш сингари «майда-чуйдалар» билан ҳам қизиқди.

...Крупская номли жамоа хўжалигининг марказий қўрғонидан ўтсангиз сув иншоотига етиб келасиз. Ҳозир бу ерда 8 та қудуқ ишлаб турибди. Икки юз метр чуқурликда сув зарур тозалашдан ўтгач махсус идишларга келиб қуйилади. Шундан сўнг эса ўнлаб километрга чўзилган катта қувур орқали сувни учинчи марта юқорига чиқариб берадиган «Северная» станциясига келади. Шу тариқа, масъул раҳбарларнинг айтишларича, бугун ва ҳамма вақт қўриқдаги вилоят марказига тоза муздек сув келиб туради.

Митингда кўпгина яхши гаплар айтилди. Булар самимий дил сўзлари эди. Зеро сув — ҳаёт демак. Шу вақтга қадар шаҳар сувни яқин орадаги аммо унча сифатли бўлмаган манбалардан оларди.

— «Северная» станциясига кучли насослар ўрнатилган, — дейди республика уй-жой ва коммунал хўжалиги вазири В. К. Михайлов.—Ҳозирги вақтда насослар Гулистон учун сув тортиб бера бошлади. Аммо сув тақсимлаш станциясида ичимлик сувини Янгиерга беришга мўлжалланган насослар ҳам ўрнатилган. Ўйлайманки, бош пудратчи, «Голодностепстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кичик пудратчи ташкилотлар, лойиҳачилар билан иноқликда келгуси йили вазифани уддалаймиз: сув Янгиер шаҳригагина эмас, балки қўрғонларга ҳам етиб боради. Биз учун республика аҳолисини яхши ичимлик сув билан таъминлашдан бўлак муҳим вазифа йўқ. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида шу нарса кўзда тутилган.

Ҳозир очилган сув қувури маҳаллий сув таъминоти тизимларидан биридир. Бу тизимлар Қорақалпоғистонда, бир қанча вилоятларда ишлаб турибди. Шундай вақт келадики, бутун республика тоза сув билан таъминланади. Митингда шу ҳақда гапиришди, одамлар бунга ишонишади.

**В. ДРАЧЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## ЎЗБЕКИСТОН— ПОКИСТОН:

## БАНКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Покистон сафарида жумҳурият Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла МУЛЛАЖОНОВ ҳам иштирок этди. У сафар чоғида Покистон Давлат банки билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимга имзо қўйди.**

— Сафаримиз жуда манфаатли бўлди, — деди Ф. Муллажонов биз билан суҳбатда. — Покистон раҳбарияти ва жамоатчилиги бизни жуда илиқ кутиб олди. Мамлакатимиз раҳбарига энг буюк давлатлар бошлиқларига хос иззат-икром кўрсатилди. Президентимизга ҳамроҳ бўлиб борган турли соҳа вакиллари покистонлик ҳамкасблари билан маърокли учрашувлар ўтказдилар. Жумладан, биз ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Покистон давлат банки ўртасида битимга эришдик.

**— Файзулла Муллажонович, битим моҳияти ҳақида гапириб берсангиз?**

— Мустақиллигимиз байрами арафасида эришилган бу битим банклар ўртасида банк фаолияти ва пул-кредит сиёсати, валюта алмаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисобот снёсатини амалга оширишнинг замонавий усулларига доир ахборот айирбошлаш, корреспондентлик муносабатларини ўрнатишни кўзда тутади. Айниқса ишни ташкил этиш ва ходимлар тайёрлашда ўзаро манфаатли асосда мунтазам ҳамкорлик қилишга келишиб олганимиз яхши бўлди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва Карочи шаҳрида Покистон Давлат банкида эркин алмаштириладиган валютада иш юритадиган зарур ҳисоб рақамлари очилади. Бу муҳим ишнинг техник жиҳатларини ҳам ҳал қилдик.

**— Яқинда Туркия банки билан ҳам шундай муносабат ўрнатилган эди. Покистон билан йўлга қўйилган алоқанинг қандай фарқи бор?**

— 1991 йил 31 августда мустақиллигимиз қонунлаштирилган кунгача бизнинг банк собиқ Иттифоқ Давлат банкининг битта бўлими сифатида иш кўрарди. Мустақил республиканинг мустақил банки тизимини яратиш осонгина кечмайди, албатта. Жараёнларни техника зиммасига юклаш, ходимларга замонавий иш юритиш асосларини ўргатиш долзарб масала бўлиб турибди. Шу муаммоларни ҳал этишда Туркия ҳам, Покистон ҳам бизга холисанлилло ёрдам бермоқчи. Сентябрь ойида 15 кишини Туркия давлат банкига тажриба ўрганиш учун юборяпмиз. Кейин эса бошқа бир гуруҳ Карочига боради.

**— Файзулла ака, миллий валютага тайёргарлик қандай кетяпти?**

— Умуман, бир сўз билан айтсак, миллий валютамиз тайёр. Лекин донолар айтганидек, ҳар бир ишда етти ўлчаб бир кесиш керак. Собиқ шўро республикаларидан 3—4 таси ўз миллий валюталарини муомалага чиқаришди. Лекин уларнинг қадри тез орада тушиб кетди. Нега? Бунинг сабаблари кўп. Масалан, рубль таъсиридаги давлатлардаги корхоналар билан иқтисодий муносабатларни олайлик. Иккинчи томондан, тобора қадри тушиб бораётган рубль билан баравар миллий валютамиз қадрсизланиб қолмасмикин деган хавотирлик ҳам йўқ эмас. Ҳозир ишчи гуруҳи бу муаммо устида ишлаяпти. Унинг таркибида молиячи мутахассислар, иқтисодчилар билан турли соҳа олимлари бор. Лекин шунга аминманки, биз ҳеч қачон догда қолмаймиз. Зарур деб топилган кунданоқ миллий валютани муомалага чиқариш имкониятига эгамиз.

**— Аҳоли қўлидаги рубль пуллар нима бўлади?**

— Давлатимиз ҳеч қачон ўз фуқаросини оро йўлда ташлаб қўймайди. Албатта қўлдаги мавжуд нақд пулларни алмаштиришнинг чегараси бўлади. Лекин Жамғарма банкига қўйилган омонатлар, 12 фоизли заёмлар сира ютқазмайди. Ўтган йил 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштиришда уйида пул сақлаган кишиларнинг кўпи бармоқ тишлаб қолди. Ҳозир бизнинг тахминимизча аҳоли қўлида 32 миллиард сўм қоғоз пул ҳаракатсиз ётибди. Мен республикамизнинг барча фуқароларига мурожаат қилиб, маблағларини банкка қўйиш ёки 12 фоизли заём сотиб олишни маслаҳат бераман. Дарвоқе заёмни ҳам Жамғарма банкида сақлаш мумкин. Ҳар қандай пул ислоҳотида ҳам шахсий жамғармаларни шу тарзда сақлаш ҳеч панд бермайди, аксинча соф фойда келтиради.

Хуллас миллий валютани муомалага тайёрлаш, барқарор ривожлантириш соҳасида ҳам Покистондаги ҳамкасбларимиздан ўрганадиган тажриба қўл келади.

**Суҳбатдош:**
**А. АБДУБАННОПОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА

## МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида пойтахтдаги район партия кенгашлари ва район ёшлар иттифоқи биринчи котиблари иштирокида давра йиғини бўлди. Унда асосий диққат-эътибор республика мустақиллиги кунига пухта тайёргарлик кўриш ишларига қаратилди.

Суҳбат қатнашчилари ҳар икки жамоат ташкилоти ишида йўл қўйилаётган нуқсонлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида ҳам тўхталдилар. Партия ташкилотлари раҳбарларида амалий ишда дадиллик ва жўръат етишмаётганини таъкидладилар. Ёшлар тарбиясида, кадрларни жой-жойига қўйишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда йўл қўйилаётган бир қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Давра йиғинини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Ҳ. Абдураимов ва пойтахт ёшлар иттифоқи биринчи котиби Ж. Ҳакимовлар олиб боришди.

**А. МАННОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қиргули райони 70-сайлов участкасидаги ҳудудий партия ташкилотининг иш тажрибаси қўллаб-қувватлашга ва кенг ёйишга арзийди. Унга партиядан ҳоли қилинган ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи ХДП аъзолари бирлашган. Сиёсий ўқиш ва жамоат фикрини ўрганишда район ҳокими, унинг ўринбосарлари партия аъзоси бўлган депутатлар билан ишлашнинг клуб шаклидан фойдаланилмоқда. Бу ерда шунингдек ўзбек маданияти дўстлари клуби тузилган.

Шаҳар партия кенгаши турар жойларда жамоатчи фаоллар билан алоқани кучайтирган. «Ленинобод» қишлоқ Кенгашига қарашли 13, 17, 21-маҳаллалар қўмиталарида ҳудудий партия ташкилотлари тузилган бўлиб, улар таркибига нафақахўрлар билан бир қаторда турли меҳнат жамоаларида ишловчи кишилар ҳам борган сари кўплаб киришмоқдалар. Бу партия ташкилотлари билан ХДП аъзолари бўлмиш депутатларнинг ўзаро алоқалари изга тушмоқда. Партия кенгаши мураккаб ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олиб аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий иш юритишнинг самарали шаклларини топишга интилаётир.

Қарорда амалга оширилаётган ишларга қарамай, Фарғонада шаҳар партия кенгашининг ХДП аъзолари бўлмиш депутатлар ва ҳоким билан ўзаро иш олиб боришидаги ҳамкорлик тизими ҳали ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаётганига эътибор қаратилган. Амалга оширилаётган чоратадбирлар тарқоқ ҳолатда бўлиб, оқибатда шаҳар партия ташкилотининг ишларига уларнинг таъсири сезиларли даражада бўлмаяпти. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг жойларда бажарилишини назорат қилишда партия кенгашларининг, партия аъзолари бўлмиш депутатларнинг фаол иштирок этишлари тўғрисида Ўзбекистон ХДП МК IV Пленумининг кўрсатмалари амалга ошмаяпти. Барча даражадаги 250 халқ депутатидан атиги 68 нафари Ўзбекистон ХДП аъзоси, холос.

Бошланғич партия ташкилотларининг кўпчилиги ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар томонидан қўллаб-қувватланмаяпти. Ўқув юртларида амалда партия таъсири йўқ. Марказий Кенгашнинг тавсияларига қарамай, бошланғич партия ташкилотларида аниқ ҳаракат қилиш дастурлари ишлаб чиқилмаган.

Раҳбарлик лавозимларидагиларнинг айримлари партияга мансуб эканликларини амалда намоён қилмаяптилар, кишилар орасида етарли тушунтириш ишлари олиб бормаяптилар. Партия ташкилотларида ҳокимлик аппарати ва шаҳар хизмат кўрсатиш идоралари билан ўзаро уйғун ҳаракат йўқлиги уларга ўз вазифалари доирасига кирувчи кўплаб сиёсий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини бермаяпти. Бу эса хизмат кўрсатиш даражасидан фуқаролар норозилиги кучайиб боришига сабаб бўлаяпти.

Партия фаоллари билан давлат муассасалари ходимлари, хўжалик раҳбарлари ўртасида ўзаро боғланиш бўлиши зарур. Ваҳолонки, Фарғона шаҳрида партия ходимларини муҳим масалалардан четлаштириш ҳоллари учраб ҳам туради. Бу эса табиийки ҳокимлик органлари ва партия обрўсига путур етказмоқда. Шаҳар партия ташкилоти сиёсий вазият ва унинг барқарорлиги учун масъул эканлигини хали тўлиқ англаб етмаган, бу ишга партия аъзолари бўлган раҳбар ходимларни жалб этмаган.

Қарорда рўй бериб турган камчиликларнинг кўпи шаҳар партия кенгаши котиби Р. Х. Йўлдошев ва шаҳар ҳокими, ХДП аъзоси ўртоқ Х. А. Мамажоновнинг етарли сиёсий фаолият кўрсатмаётганликлари сабабли рўй бераётгани кўрсатиб ўтилган.

ХДП шаҳар кенгаши ҳозирча, партияга мансуб халқ депутатлари ва раҳбарларни партия Дастурини амалга оширишга жалб этиш борасида ташаббус ва қатъият кўрсатмаётир, мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаяпти, бу ишга шаҳар партия кенгашининг аъзолари тўла жалб қилинмаётир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми ўз қарорида партия Дастурини бажаришда Ўзбекистон ХДП Фарғона шаҳар кенгаши билан партия аъзолари бўлмиш халқ депутатлари ва шаҳар ҳокимининг ўзаро саъи-ҳаракатларида фойдаланилмаган имкониятлар борлигини таъкидлайди. Шаҳар ҳокими билан партия шаҳар кенгаши котиби биргаликда олиб бораётган сиёсий ишлари етарли даражада эмас, деб ҳисоблайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларининг биринчи котибларига партия аъзолари бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси ва тегишли ҳокимлар билан биргаликда ҳаётий муҳим бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсатини амалга оширишда партиянинг сиёсий ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш учун аниқ чора-тадбирлар кўриш тавсия этилган.

ХДП Фарғона шаҳар кенгаши билан партия аъзолари бўлмиш депутатлар ҳамда Фарғона шаҳри ва Қиргули район ҳокимларининг ўзаро ҳамкорлигидаги мавжуд кўпгина хатолар, фойдаланилмаган имкониятлари аксарият вилоят, шаҳар, район партия кенгашларига ҳам хосдир. Барча даражадаги партия кенгашлари партия аъзолари бўлмиш раҳбар давлат ва хўжалик ходимларининг нуқтаи назарларига, фаолиятларига холисона сиёсий баҳо беришда, ўзаро ҳамкорлик қилишда қатъиятсизлик кўрсатаяптилар. Ана шуларни назарда тутиб, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий Ижроия комитети ўз қарорида вилоят кенгашларининг ижроия бюроларини ушбу масалаларни шу йилнинг август-сентябрь ойларида кўриб чиқишга, шаҳар, район партия кенгашлари биринчи котибларини бу масалалар юзасидан масъулиятни кучайтиришга ва зарур ҳолларда айрим партия аъзолари бўлмиш шаҳар, район ҳокимлари нуқтаи назарига, фаолиятига сиёсий баҳо беришга даъват этади. Бинобарин, қарорда Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашларига партия аъзолари бўлмиш халқ депутатларига уларнинг сайловчилар олдидаги ўз бурчларини бажаришларида сиёсий кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш мажбурияти юкланган.

Қарорда ХДП аъзолари бўлмиш барча даражадаги халқ депутатларига шу йилнинг иккинчи ярмида партия ташкилотлари ва фуқаролар олдида ўз фаолиятлари ва сайловчилардан олинган наказларнинг бажарилиши тўғрисида хабардор қилиш ва айни пайтда партия Дастурини бажариш, республикада барқарорликни, фуқаролар тотувлигини, мустақилликни мустаҳкамлаш борасида ХДП амалга ошираётган ишларни тушунтириб бериш таклиф этилган.

## ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## КЎЧМА БЮРО МАЖЛИСИ ШУНИ КЎРСАТДИКИ...

**● Андижон вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги кўчма мажлиси Олтинкўл районида ўтди. Унда район партия кенгашининг партия сиёсати ва дастурий мақсадларини тарғиб этиш, сафларни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлари муҳокама этилди. Район кенгаши биринчи котиби А. Содиқов ҳисоб берди.**

Кўчма бюро район партия кенгаши фаолиятидаги ижобий жиҳатларни кўрсатиш билан бирга жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганини ҳам таъкидлади, жумладан, партия сафларини ўстириш, партия сиёсати ва мақсадларини тарғиб этишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Районда гарчи 150 нафардан ортиқ киши ХДПга ҳайрихоҳ эканлигини билдирган бўлсада, шу йилнинг ўтган ойларида партияга фақат 31 киши қабул қилинган, холос. С. Ашуров номли, Навоий номли, «Тошкент» жамоа хўжаликлари, трикотаж матолар фабрикаси, район йўллардан фойдаланиш участкаси, 12-махсус механизациялашган кўчма колоннаси, район матлубот жамияти бошланғич партия ташкилотларида партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишга етарли эътибор берилмаяпти.

**И. ИСМОИЛОВ,**
**ХДП Андижон вилоят кенгаши матбуот марказининг раҳбари.**

*Истиқлол бизга нима берди?*

# АВВАЛ ИҚТИСОД...

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ бир йиллик якунини чиқаришга ҳақлимиз, шу қисқа вақтда чуқур ўзгаришлар юз берди. Энг аввал ҳалқимиз сиёсий мустақилликни қўлга олди, ўз миллий давлатчилигимизга, сиёсий тизимимизга эга бўлдик. Мустақилликни қайд этувчи ва уни мустаҳкамловчи қонунлар жорий этилди. Мустақил Ўзбекистон давлатининг конституцияси қабул этилиш арафасида турибмиз. Биз ўзлигимизни англадик, илмий онг ўз ўрнига келди — бу мустақилликнинг муҳим натижасидир. Биз ўз тарихимизни қайтадан англадик, тарихий ҳақиқатни тиклямоқдамиз. Нафақат тарихимизга, балки ҳозирги кунимизга ва келажагимизга истиқлол нуқтаи назаридан қарай бошладик.

Ўзбекистон ўз манфаатига мос сиёсий йўл танлади. Энди у сиёсатдаги қўғирчоқ эмас, балки сиёсатнинг ижодкори, унинг мустақил ва фаол иштирокчисидир. Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида 130 дан ортиқ давлатлар, жумладан буюк давлатлар тан олди. Бир неча давлатлар биз билан дипломатик алоқалар ўрнатдилар, ўз элчихоналарини очдилар. Ўзбекистон халқаро Европа, Осиё ва регионал учрашувларда ўз фикри-зикри, йўл-йўриғи ва сиёсати билан қатнашиб, умумдунё сиёсий вазиятини шакллантиришда, умуминсоний муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ечишда фаол қатнашмоқда. Агар олдин Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг пассив объекти ва ҳатто қурбони бўлса, эндиликда у мазкур муносабатларнинг мустақил ва фаол субъектига айланди. Олдин дунё Ўзбекистонни пахта етиштирувчи қолоқ қарам ўлка, лекин тарихий обидалари билан довруқ қозонган саёҳат диёри деб билар эди. Эндиликда Ўзбекистонни мустақил, бирлашган Миллатлар ташкилотининг ва халқаро валюта фондининг аъзоси бўлмиш давлат деб ҳамма тан берди. Маълумки, мустақиллик деган нарса бу тарихий жараён, унинг кўп қирралари, муаммолари ва ҳатто азоб-уқубатлари бор. Биз ҳозир мустақил ва озод тараққиётнинг илк босқичидамиз. Биз эришган мустақиллик ҳозирчалик сиёсий тусга эга. Сиёсий мустақилликка таянган ҳолда биз иқтисодий ривожланган, халқи озод, фаравон яшовчи демократик жамиятни яратишимиз керак.

Мамлакатнинг ривожланган иқтисодиёти мустақилликнинг бош мезонидир. Биз ишлаб чиқариш ва халқ истеъмоли жиҳатидан дунёда 90—95 ўринда турамиз, биз иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган, қолоқ мамлакатлар қаторидан ўрин олганмиз. Аммо мустақил сиёсат юргиза бориб, ўзимизнинг иқтисодий тизимимизга асос солдик. Бунинг гувоҳи молиявий тизимнинг мустақил йўлга ўтиши, ўз банк системамизнинг яратилиши, келажакда ўз миллий пулимиз жорий этилиши, мустақил бюджет ва кредит системасининг амал қилиши, ташқи алоқаларнинг мустақил ўрнатилиши ва энг муҳими, миллий мулкчиликка асос солинишидир.

Иқтисодий мустақилликни, миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи бир қатор қонунлар қабул этилдики, улар орасида мулк, ер, приватизация, (хусусийлаштириш), банк тизими, тадбиркорлик, фермерчилик, чет эл инвестицияси тўғрисидаги қонунлар алоҳида ўрин тутади.

Иқтисодий пойдевори мустаҳкам бўлмаган истиқлол бамисоли томири заиф дарахтки, у довул-бўронларга бардош бера олмайди. Бас шундай экан, мустақилликни эндиликда иқтисодиёт билан таъминлаш керак. Ўзбекистон ўз миллий бойлигининг мулкдорига айланди. Эндиликда бу мулкни халқ тасарруф этади, у халқ манфаати йўлида ишлатилади. Мустақиллик йўли бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ. Шу сабабдан миллий мулкчилик иқтисодий плюрализмга (хилма-хилликка) асосланади, яъни у давлат, жамоа, аралашма ва фуқаро мулки шаклида намоён бўлади. Пайдо бўлган хусусий мулк ҳам миллий мулкчиликнинг ажралмас қисмидир, у ҳам мустақилликка хизмат қилиши керак. Албатта, ҳозирчалик давлат мулки мустақиллик таянчи бўлиб хизмат қилади, чунки давлатдан ўзга миллий манфаатларни ифодаловчи яхлит куч йўқ. Аммо мустақиллик йўлида иқтисодиётни барқарор ўстириш учун, уни ҳаракатга келтирувчи ички интилиш зарур. Бунн давлат мулки монополиясини чеклаш ва приватизация юзага келтиради, чунки шу орқали мулкнинг турли рақобатлашувчи шакллари пайдо бўлади, рақобат эса бозор иқтисодиётини ҳаракатга солувчи куч ҳисобланади. Аммо хусусийлаштиришнинг ўзи ўзи учун эмас, албатта, у иқтисодий ўсишга, иқтисоднинг янгиланиши, яъни модернизациясига хизмат қилиши керак. Бунинг учун мулкни самарали ишлата билувчи тадбиркорларни тайёрлаш зарур. Агар ишончли тадбиркорлар, ишбилармонлар, яъни бизнесчилар қатлами ҳосил бўлмаса, приватизациялашган мулк истиқлол учун хизмат қила олмайди. Мулкни кимнинг қўлига бериш билишнинг ўзи катта гап, чунки бусиз иқтисодиёт равнақ топмайди, мустақиллик ишончли моддий асосга эга бўлмайди.

Раҳбарлик лавозимларидагиларнинг айримлари партияга мансуб эканликларини амалда намоён қилмаяптилар, кишилар орасида етарли тушунтириш ишлари олиб бормаяптилар. Партия ташкилотларида ҳокимлик аппарати ва шаҳар хизмат кўрсатиш идоралари билан ўзаро уйғун ҳаракат йўқлиги уларга ўз вазифалари доирасига кирувчи кўплаб сиёсий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини бермаяпти. Бу эса хизмат кўрсатиш даражасидан фуқаролар норозилиги кучайиб боришига сабаб бўлаяпти.

Партия фаоллари билан давлат муассасалари ходимлари, хўжалик раҳбарлари ўртасида ўзаро боғланиш бўлиши зарур. Ваҳолонки, Фарғона шаҳрида партия ходимларини муҳим масалалардан четлаштириш ҳоллари учраб ҳам туради. Бу эса табиийки ҳокимлик органлари ва партия обрўсига путур етказмоқда. Шаҳар партия ташкилоти сиёсий вазият ва унинг барқарорлиги учун масъул эканлигини хали тўлиқ англаб етмаган, бу ишга партия аъзолари бўлган раҳбар ходимларни жалб этмаган.

Қарорда рўй бериб турган камчиликларнинг кўпи шаҳар партия кенгаши котиби Р. Х. Йўлдошев ва шаҳар ҳокими, ХДП аъзоси ўртоқ Х. А. Мамажоновнинг етарли сиёсий фаолият кўрсатмаётганликлари сабабли рўй бераётгани кўрсатиб ўтилган.

ХДП шаҳар кенгаши ҳозирча, партияга мансуб халқ депутатлари ва раҳбарларни партия Дастурини амалга оширишга жалб этиш борасида ташаббус ва қатъият кўрсатмаётир, мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаяпти, бу ишга шаҳар партия кенгашининг аъзолари тўла жалб қилинмаётир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми ўз қарорида партия Дастурини бажаришда Ўзбекистон ХДП Фарғона шаҳар кенгаши билан партия аъзолари бўлмиш халқ депутатлари ва шаҳар ҳокимининг ўзаро саъи-ҳаракатларида фойдаланилмаган имкониятлар борлигини таъкидлайди. Шаҳар ҳокими билан партия шаҳар кенгаши котиби биргаликда олиб бораётган сиёсий ишлари етарли даражада эмас, деб ҳисоблайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларининг биринчи котибларига партия аъзолари бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси ва тегишли ҳокимлар билан биргаликда ҳаётий муҳим бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсатини амалга оширишда партиянинг сиёсий ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш учун аниқ чора-тадбирлар кўриш тавсия этилган.

ХДП Фарғона шаҳар кенгаши билан партия аъзолари бўлмиш депутатлар ҳамда Фарғона шаҳри ва Қиргули район ҳокимларининг ўзаро ҳамкорлигидаги мавжуд кўпгина хатолар, фойдаланилмаган имкониятлари аксарият вилоят, шаҳар, район партия кенгашларига ҳам хосдир. Барча даражадаги партия кенгашлари партия аъзолари бўлмиш раҳбар давлат ва хўжалик ходимларининг нуқтаи назарларига, фаолиятларига холисона сиёсий баҳо беришда, ўзаро ҳамкорлик қилишда қатъиятсизлик кўрсатаяптилар. Ана шуларни назарда тутиб, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий Ижроия комитети ўз қарорида вилоят кенгашларининг ижроия бюроларини ушбу масалаларни шу йилнинг август-сентябрь ойларида кўриб чиқишга, шаҳар, район партия кенгашлари биринчи котибларини бу масалалар юзасидан масъулиятни кучайтиришга ва зарур ҳолларда айрим партия аъзолари бўлмиш шаҳар, район ҳокимлари нуқтаи назарига, фаолиятига сиёсий баҳо беришга даъват этади. Бинобарин, қарорда Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашларига партия аъзолари бўлмиш халқ депутатларига уларнинг сайловчилар олдидаги ўз бурчларини бажаришларида сиёсий кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш мажбурияти юкланган.

Қарорда ХДП аъзолари бўлмиш барча даражадаги халқ депутатларига шу йилнинг иккинчи ярмида партия ташкилотлари ва фуқаролар олдида ўз фаолиятлари ва сайловчилардан олинган наказларнинг бажарилиши тўғрисида хабардор қилиш ва айни пайтда партия Дастурини бажариш, республикада барқарорликни, фуқаролар тотувлигини, мустақилликни мустаҳкамлаш борасида ХДП амалга ошираётган ишларни тушунтириб бериш таклиф этилган.

## МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ



**Мустақиллик йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётган етук олимлардан бири Мурод Шарифхўжаевич Шарифхўжаев таваллудига 60 йил тўлди.**

**Забардаст олим, ташкилотчи ва моҳир педагог илм-маърифат йўлида тинмай меҳнат қилиб, оддий асистентликдан фан доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси даражасигача етишди. Жамоатчилик унга Давлат режалаштириш қўмитаси қошидаги иқтисодий илмий-тадқиқотлар институтининг директори, Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг бош илмий котиби вазифасида ишлашига ишонч билдирди. Ҳозир профессор Тошкент молия институтининг ректоридир. Олим иқтисодиёт фанининг ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. М. Шарифхўжаев қаламига мансуб 120 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан 6 та монография чоп этилиб, унинг ғояларидан илм-маърифат аҳли манфаатдор бўлмоқда, у тарбиялаб етиштирган 30 дан ортиқ фан докторлари ва номзодлари нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам унумли ишлаб, ўз устози йўлидан бормоқдалар. «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби», «Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», профессор Мурод Шарифхўжаев иқтисод фанида ўзига хос мактаб яратган олимдир.**

ЎЗБЕКИСТОН мустақилликни иқтисодий қолоқлик шароитида қўлга киритганидан жумҳурият фақат ўз кучига таяниб инқироздан қутилиб кета олмайди. Бошқа мамлакатлар, айниқса Шарқ мамлакатлари тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодиётни ўнглаб олиш учун, албатта, чет эл капитали катта миқдорда киритилиши шарт. Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ўлка, жумҳуриятда арзон иш кучи ҳам мавжуд. Ҳамма гап Ўзбекистонда чет эл капиталини жалб эта билишда қолган. Ҳар икки томонга манфаатли шартлар билан хориждаги маблағларни жалб этиш иқтисодиётни ўстириши шубҳасиздир. Чет элдаги капитал илғор техника ва технологияни, бой ишлаб чиқариш тажрибасини келтиради. Хорижий фирмаларнинг алоқаларидан фойдаланиб жаҳон бозорига ҳам чиқиш мумкин. Аммо ҳозир чет эл фирмалари Ўзбекистонда капитал қўйиш борасида унча шошилмай, пайт пойлаб туришмоқда, чунки уларга бериладиган кафолат етарли эмас, бизда конвертирланган валюта йўқ, малакали кадрлар кам. Биз хорижийларга уларни қизиқтирувчи аниқ инвест лойиҳалар беришимиз керак. Шу соҳада мутахассислар етишмайди, инвестиция компаниялари очилган эмас.

Мустақиллик нуқтаи назаридан ҳозир биз учун қарз капиталини киритиш, яъни четдан қарз олиб, шу ҳисобдан ўзимиз ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз маъқул эмас. Биз учун энг қулай йўл четдан унумли капиталнинг келиши, яъни Ўзбекистонда чет эл фирмаларининг филиаллари очилиши, уларнинг мулки бўлган корхоналарни ёхуд улар билан шерикчиликдаги қўшимча корхоналарни барпо этишдир.

Иқтисодий мустақилликка эришишнинг муҳим муаммоси бу ишлаб чиқариш структурасини тубдан яхшилашдир. Ҳозирги аграр-мустамлака структураси ўрнига индустриал структура келиши керак. Ўзбекистон қолоқлигининг муҳим белгиси шуки, ҳозир миллий даромадни яратишда саноатнинг ҳиссаси пасайиб кетган. 1992 йил 1-ярмида унинг ҳиссаси миллий даромадда атига 30 фоиз бўлди. Бунинг устига саноатда яратилган даромаднинг талайгина қисмини тайёр маҳсулот берувчи эмас, балки хом ашёни бирламчи ишловчи тармоқлар яратади. Бу тармоқлар қишлоқ хўжалиги ва ундирма саноатда олинган хом ашёни дастлабки ишловдан ўтказиб, улардан бошқа республикада тайёр маҳсулот олиш учун етказиб бериш билан шуғулланардилар. Улар РСФСР, Украина ва Белоруссия саноат марказларини арзон хом ашё билан таъминлашга хизмат қилардилар. Бирёқлама ишлаб чиқариш эса 30 фоиз атрофида кутилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, биринчидан бюджетга даромад топиш керак, иккинчидан бюджет сарфлари тежалиши шарт. Шундай вазиятда социал программаларни бюджетдан молиялаштиришни қисқартирмай туриб, молиявий соғломликка эришиб бўлмайди. Бюджет дардининг сабаби — ишлаб чиқаришда. Тушкунлик сабабли ишлаб чиқариш ҳисобидан бюджетни яқин орада ошириш қийин. Шу сабабли бюджет структураси Ўзбекистоннинг қарамлигини кучайтиради. Ўзбекистонда яратиладиган жами маҳсулотнинг деярли 40 фоизи бошқа ерлардан кераклн ашё, материал, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва машиналарни келтиришга боғлиқ. Ўзбекистонда ишлатиладиган истеъмол товарлар (моллар)нинг ярмидан кўпроғи (60 фоизи) четдан келтирилади. Бундай аҳволдан ҳоли бўлиш учун ишлаб чиқариш структураси қўйидаги йўналишда боргани маъқул:

1. Яратилиши мумкин бўла туриб, четдан келтирилаётган молларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш.

2. Экспортга, халқаро бозорга, бинобарин, валюта топишга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

3. Фан-техника ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, илмталаб маҳсулотларни хориж ёрдамида ишлаб чиқариш. Структура силжишлари катта маблағ талаб қилади. Ҳозир уларни давлат бюджети орқали мустақиллик ишига йўналтириш мумкин. Ҳозирги чуқур иқтисодий инқироз шароитида давлат бюджети социалмаданий ҳаражатларни бир қадар қисқартириб инвестиция учун маблағ тўплаш ва уни ишлаб чиқаришга қўйиши шарт. Акс ҳолда иқтисодий жонланиш юз бермай бюджет ҳозирги даромаддан ҳам маҳрум бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги бюджети ночор аҳволда бўлса-да ҳар ҳолда мустақил бюджетдир. Ҳозирги иқтисодиётга тушкунлик, бюджетга камомад хос, лекин бу мустақиллик оқибати эмас мутлақо, тарих тақозоси билан мустақилликни Ўзбекистон иқтисодий инқироз даврида олди, бу инқироз собиқ Советлар империяси Ўзбекистонга қолдирган оғир меросдир. Ҳозирги шароит хўжалик алоқаларининг барбод бўлиши билан ажралиб туради. Шундай шароитда Ўзбекистон минг уринмасин, иқтисодий қийинчиликка дуч келмоқда. Гап шундаки, Ўзбекистон бошқарган, жумладан Россияга боғлиқ, Россиядаги тушкунлик ўз кетидан Ўзбекистонни тортиб кетмоқда. Россия иқтисодиётининг 1992 йил 1-ярмидаги аянчли якунлари Ўзбекистондаги тангликни кучайтирди. Нормал бюджет танқислиги 2—3 фоиз бўлади. Бизнинг эса 30 фоиз атрофида. Бюджет танқислиги пулни максимал тежаш ҳар бир ташкилотнинг ишидир. Бюджетга кўмаклашув мақсадида маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ташкилотларига бизнес билан шуғулланиш учун тўла эркинлик бериш давр талабига айланди, токи улар ўз-ўзини қисман бўлса-да пул билан таъминласинлар ва бюджетларга юк бўлмасинлар. Бюджетни тартибга солиш, унинг даромади ва харажатларини мувофиқлаштириш бюджетларга янги даромадлар манбаи топиш, бир солиқни қисқартириб бошқасини киритиш, пулдик социал хизматларни жорий этиш талаб қилинади.

Миллий валютанинг мавжудлиги ва ўз пул муомаласига эга бўлиш мустақилликнинг муҳим белгисидир. Ер юзида қанча мамлакат бўлса, шунча миллий валюта борлиги аёндир. Ўзбекистонда миллий валюта киритишнинг ўз муаммолари бор, албатта. Бу Ўзбекистоннинг Совет пули зонасида қолиши бўлиб, мамлакатимизнинг бошқалар билан ҳисоб-китоб алоқасининг шу пулда бажарилиши, пул эмиссияси Россия монополияси бўлиши, аҳоли қўлида пулнинг тўпланиб қолганлиги каби қийинчиликлар мавжуд. Буларни бартараф этиб, миллий пул киритилмаса, Ўзбекистон ўз ички бозорини қадрсизланган пул интервенциясидан ҳимоя қила олмайди.

МИЛЛИЙ пул киритилиб, бозор ҳимояланганда қиммат бўлса-да, пулга мол топса бўлади. Товар ва хизматлар билан таъминланмаган пул ҳақиқий пул эмас. Моддий таъминланган пулгина бойлик тимсоли бўла олади. Кишилар эҳтиёжини қондириш учун ишлайди, одамлар пул топишга интиладилар, чунки пулга тирикчилик қилиш мумкин. Пул бўлиб моллар бўлмаса, пул топишга интилиш йўқолади, кишилар ишлашдан совийди. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириб, мустақил, ривожланган мамлакатга айланиш учун миллий пул керак экан. Ўзбекистон Россия чоп этаётган пули учун 25 фоиз ҳақ тўлайди. 1992 йил 1-ярмида Ўзбекистон 15,7 миллиард сўм олди, бинобарин бунинг учун салкам 4 миллиард сўм тўлади. Миллий пулнинг киритилиши бу сарфларни қисқартиради. Муҳими, бизни Россия эмиссия марказига қарамликдан халос қила бошлайди. Ҳозирги муаммо бу миллий пулни чиқариш техникаси эмас, балки янги пулни қайси принципда, қандай миқдорда ва қачон чиқариш, уни моллар билан таъминлашдан иборатдир. Бизнингча, миллий пул ҳозирги рублга (сўмга) нисбатан (1:1) биру бир курсида ва параллель киритилиб, ҳисоб-китоб воситаси, айрим молларнинг олди-сотди воситаси бўлади. Демак, сўм кўп функцияни бажарган ҳолда бизнинг пул бир функцияни қисман бажаради. Унинг амал доираси тор бўлади. Янги пул рўйхат билан сотилувчи 12 тур озиқ-овқат маҳсулоти ва деҳқон бозорининг оборотига қараб, яъни мол билан таъминлаш Ўзбекистоннинг ўзига боғлиқ савдо оборотига қараб чиқарилади. Шу асосда янги пулнинг эмиссия ҳажми аниқланади.

Янги пул уни таъминловчи моллар ғамламаси ҳосил бўлгандан сўнг киритилади. У энг зарур моллар билан таъминланганидан унинг обрўси юқори бўлиб, уни сўм сиқиб чиқара олмайди.

Янги пул сўмга эркин алмашади, унга хориж валюталарини эркин сотиб олиш мумкин бўлади. Демак, янги пул мамлакат ичида конвертирланади. Иқтисод ўнгланиб, Ўзбекистон халқаро бозорга ўрнашиб олгач, миллий пул тўла конвертирланиб, хоржда ҳам бошқа валюталарга алмашади.

Миллий пул Ўзбекистон иқтисодиётини ҳимоя қилувчи чегара тўсиғи вазифасини бажаради.

Мустақилликнинг муҳим белгиси Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланишидир. Ҳозирчалик бу соҳада илк қадамлар қўйилган. Ўзбекистон ўз иқтисодиётини халқаро иқтисодиётга қўшиб улғирган йўқ, бу дарҳол бўлмайди. Узоқ йиллар Ўзбекистон СССР экспортида 3-ўринда турган бўлса-да, ҳеч қачон мустақил алоқа юритмаган. Ўзбекистон молини сотишдан тушган валюта унинг ўзига тегмаган. Бу алоқалар машъум марказ деб аталмиш «умумиттифоқ» ташкилотларининг қўлида бўлган. Энди марказ ва унинг монополияси барбод бўлди. Энди Ўзбекистон ким билан алоқа юритишни ўзи ҳал қилади. Топилган валюта ҳам шу ерда қолади. Аммо Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини ривожлантиришга ҳалақит берувчи омиллар мавжуд. Ўзбекистоннинг ташқи бозорга чиқадиган арзон транспорт йўлининг йўқлиги, тажрибали мутахассисларнинг етарли эмаслиги, конвертирланган валютанинг йўқлиги, хорижийлар учун кафолатнинг етарли эмаслиги ва бошқалар шулар жумласига киради. Аммо булардан мустасно Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсат юргазишининг ўзи катта гап ва бу истиқлол нишонасидир.

Мустақиллик иқтисодиётда ўзини кўрсата билмаса, унинг келажаги порлоқ бўлмайди. Ўзбекистон, умуман собиқ СССР республикалари мустақилликка чуқур кризис даврида эришишди. Шу сабабдан иқтисодиётни тезликда ўнглаб бўлмайди. Маълумки, асрий қарамликни бир зарба билан тугатиш амри-маҳол, бунинг учун узоқ ва машаққатли ривожланиш даври керак. Нафақат собиқ СССР, балки собиқ социалистик системага кирган давлатларнинг ҳаммасида кризис чуқурлашди. Бундан Ўзбекистон ҳоли бўла олмасди, чунки унинг иқтисодиёти бошқалар иқтисодиётига қарам ва улар билан узвий боғланган.

Умумий тушкунлик бўлишига қарамай, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан кўрилган бир қатор чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда тушкунлик даражаси бошқалардан анча паст бўлди. Бизда нарх-наво даражаси ҳам паст. Муҳими шуки, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотини ўзида қайта ишлаб чиқаришни ташкил эта бошлади, унинг дон маҳсулотлари бўйича бошқаларга қарамлиги камайди. Бозор ва ҳатто ҳалқаро миқёсдаги қишлоқ хўжалиги ва ундирма саноат маҳсулотлари Ўзбекистоннинг ўзида ишлана бошланди. Ўзбекистонда кам даромадли аҳоли табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам дуруст йўлга қўйилди. Дастлабки ўзгаришлар сезилиб турибди.

Аммо иқтисодиётдаги истиқлолга дарҳол эришиб бўлмайди. Бунинг учун узоқ вақт керак ва ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш даркор.

Хулоса қилсак, ўтган бир йил ичида истиқлол сари дадил қадам қўйилди, мустақилликнинг бир қатор масалалари ҳал этилди, иқтисодиётни янгилашга киришилди. Аммо ўтган йил мустақилликнинг ҳали аниқланмаган янги муаммоларини очиб берди, мустақиллик бу равон йўл эмас, кураш-машаққат йўли эканини, уни қийинчиликларга дуч келишини, у халқдан бирдамлик, ижтимоий муроса, ҳамжиҳатлик ва сабр-тоқатни талаб этишини кўрсатди.

**М. ШАРИФХ

# «ШОҲЛАР ЛИБОСИ»НИНГ СИРИ

## ЕХУД ПИЛЛАЧИЛИКДА МИҚДОР КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ КЕТИДАН ҚУВИШНИНГ ХУНУК ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА

**Ажабо, яқинда Бухорога бир гуруҳ тарихчи ўлимлар келиб ипак ишлаб чиқариш жараёни билан танишишди. Бу соҳа тарихчиларни нега қизиқтириб қўйди экан?**

Бу саволга жавоб бериш учун Бухоро пиллачилигининг ўтмишига назар солайлик. Маълумки, қадимий Бухоро азалдан ўзининг шойи атласи билан машҳур бўлган. Муҳаммад Наршахийнинг нақл этишича, бу ерда тўқиладиган ажиб ипак матонинг нархи бир туманнинг йиллик хирожига тенг эмиш. Бу матонинг номи «занганича» экан.

Тарихчининг ёзишича, бундан минг йиллар муқаддам Минораи Калон остида шундай ипак тўқийдиган йирик устахона ишлаб турган. Узоқ хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар шоҳлари учун бу матодан харид қилишга орзуманд эканлар. Ўша, мато «шоҳлар либоси» деб аталар эмиш...

Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида бу матонинг намунаси сақланмоқда. Бир вақтлар унга Франция қиролларидан бирининг жасади ўралган. Қабр очилганда жасаднинг ҳоки қолган бўлса-да «зандаҳича» ял-ял ёниб турарди. Шу боис Эрмитаж олимлари Бухорода ипак ишлаб чиқариш жараёнларини синчиклаб ўрганишган бўлса ажаб эмас.

Бироқ асрлар шамоли «шоҳлар либоси»ни ишлаб чиқариш сирларини кўкка совурди. Сирасини айтганда, пролетарлар давлатига бундай либосга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Натижада ажойиб шойи-ипаклар ўрнини бир-икки ювишда титилиб, ранги ўчадиган ҳозирги матолар эгаллади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу нарса панд беряпти.

Ахир бир килограмм ипакнинг жаҳон бозоридаги нархи нақ 13 долларга тенг, бизда етиштирилаётган ашёни эса бунинг ярмига ҳам олишмаяпти. Сабаби, сифати паст. Хитой, Япония сингари ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган хом ашё билан рақобат қила олмаяпти.

— Бундан кўп йиллар муқаддам, — дейди Бухоро пиллакашлик фабрикасининг тажрибали йигирувчиси Фотима Ваҳобова, — пилла толаси ўткирлигидан тилни кесарди. Энди бўлса унинг узилишидан ишчининг жони ҳалак...

Ҳамма гап шундаки, ипак толаси жуда майин бўлиб, узилган тақдирда йигирувчи уни тил учига олиб, кейин бир-бирига улайди. Агар тола пишиқ бўлса, тилни ёради. Яхши ипакнинг бир граммини 1,5 километрга чўзиш мумкин. 1 миллиметр энлик ипак толаси эса 43,5 килограмм юкни кўтаришга қодир. Бу — пишиқлик жиҳатидан пўлатга тенг келадиган кўрсаткичдир. Шунинг учун космонавтика, мудофаа саноатида бу хом ашёдан кенг фойдаланилади.

Ҳозир ана шундай хом ашёнинг бозори касод. Айниқса, сифати паст пилланинг тақдири аянчли. Бундан олдинги йиллар уни арзонлиги учун харид қилган Хитой, Япония, Жанубий Корея ишбилармонлари ҳам юз ўгиришди. Чунки ундан ипак оламан деб хонавайрон бўлиб қолишларига оз қолди. Шу боисдан бўлса керак, ўтган йили етиштирилган пилланинг бир қисми вилоят тайёрлов идораларида ҳали ҳам харидор кутмоқда. Бухоро пилла-кашлик фабрикасида ҳам 70 тонна пилла чиқити, 20 тонна хом ашё тиқилиб ётипти. Хорижий фирмалар уни арзон-гаров нархда сотиб олиш учун пайт пойлашаяпти. Аниқроғи, бу хом ашёдан тола ажратиш учун тегишли технологияга эга эмаслигимизни яхши билишади. Демак, уни сотишга барибир мажбур бўламиз. Бундай шароитда бу йилги ҳосилнинг тақдири нима бўлиши номаълум. Ваҳолонки, унинг 25 фоизи Президент Фармони билан эркин нархларда сотилиши лозим.

Хўш, азалдан шойи-атласи билан машҳур бўлган вилоят нега бундай аҳволга тушиб қолди? Бу саволга жавоб излаб биз кўпгина пиллачилик мутахассислари билан мулоқотда бўлдик.

— Ҳаммасига пиллачиликда ибтидоий технологияга амал қилиш, соҳага мавсумий муносабат сабабчидир, — дейди вилоят пилла уруғчилиги корхонасининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Толиб Ғойибов. — Биз сифатли уруғлик етказамиз деб қанчалик уринмайлик, барибир ундан ҳосил етиштиришда тегишли талабларга амал қилмаслик хом ашёнинг сифатини бузмоқда.

Пиллани кичик ёшида барг билан озиқлантиришни олайлик. Япония пиллачилари бу даврда уларга икки марта барг беришади, холос. Бизда эса бу жараён ўн икки марта такрорланади. Демак, барг етишмаслиги табиий.

Пиллачиликда сифат кўрсаткичларини яхшилаш билан ҳеч ким бош қотирмаяпти. Мавсум бошланиши билан хўжалик раҳбари уни тезроқ тугатиш ташвишида бўлади. Чунки айни чигит ердан униб чиқиши пайтида пиллачилик раҳбар учун ортиқча даҳмазадан бошқа нарса эмас. Бундан ташқари пахтадан катта даромад олинади, пилладан эса хўжалик кассасига бир чақа ҳам тушмайди. Аксинча, пахтадан тушган даромаднинг бир қисми пиллачиликка ем бўлади.

Вилоятда аҳоли жон бошига 6 килограммдан пилла етиштирилмоқда. Бу — йил сайин миқдор кетидан қувиб, сифатни назар-писанд қилмаслик натижасидир. Кўп йиллардан буён пиллачиликка даромад манбаи эмас, қишлоқ хонадонларини иш билан таъминлаш учун зарур соҳа деб қараб келинмоқда. Жумладан, Ғиждувон районининг ўзида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида етиштириладиган пиллага тенг хом ашё етиштирилаяпти. Чунки, меҳнатга жалб этилмаган аҳоли кўп. «Арғамчига қил қувват» деганларидек, соҳа уларни муҳтожликдан қисман бўлса ҳам қутқараяпти. Бундай шароитда пилланинг харид нархини ўзгартирмай туриб, ижобий натижага эришиш қийин. Бу хом ашёнинг харид нархи қўшни Туркманистон жумҳуриятидагига нисбатан анча пастдир. Унинг юқори ва паст сифатли турлари учун нархларнинг чиқишлари яхши таассурот қолдирмоқда.

Албатта, пилланинг харид нархини ошириш ундан тўқиладиган матонинг ҳам нархини ошириш, демакдир. Биз эса бозор иқтисодиёти шароитида халқимизни миллий либос — хонатлас ва шойидан маҳрум қилишга ҳаққимиз йўқ. Лекин хом ашёнинг аъло ва биринчи навларига нархни ошириб, сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин.

Ҳа, Бухоро ипагининг шуҳратини тиклаш керак. Акс ҳолда тармоқни бозор иқтисодиётига кўчириш амри маҳол. Зеро, пилла тилла эмас, ундан тўқилган ипак тилла.

Яна бир муаммо. Кўп йиллардан буён пиллачиликда даста учун саҳродан ўн минглаб тонна чўл гиёҳлари илдизи билан қўпориб олинмоқда. Шундай қилиб, бир соҳанинг инқирози иккинчи соҳа, яъни қорақўлчиликни ҳам инқироз жарлиги ёқасига олиб келмоқда. Чунки бу озуқасиз қўйларнинг қишловдан омон чиқиши амри маҳол.

Бу муаммони кўп йиллардан буён кўтариб чиқмоқдамиз, мутасадди раҳбарлар эса пинак бузишмаяпти. Бу йил ҳам вилоятда атиги 205 гектар майдонга супурги экилди, холос. Ваҳолонки, соҳани тўла таъминлаш учун бу майдонни камида уч баравар кўпайтириш лозим. Айниқса, Пешку, Когон, Шофиркон, Вобкент районлари раҳбарларининг соҳага муносабатини тушуниш қийин бўлаяпти.

Айтмоқчимизки, пиллачилик қишлоқ хўжалигида шунчаки, ёрдамчи тармоқ ҳолида қолар экан, ипакни тиллага айлантириб бўлмайди.

**Н. НАИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

● *Янгиликлар*

## ҚИБРАЙ КОРХОНАСИНИ АМЕРИКАДА БИЛИШАДИ

**● Қибрай яхна ичимликлар бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон республикасининг Мустақиллик байрамига муносиб тайёргарлик кўрмоқда.**

Корхона ишчилари байрам шодиёналари қатнашчиларини манзур этиш ниятида кўплаб тотли ичимликлар тайёрлаб чиқаришмоқда. Янги маҳсулотлар орасида «Ананас» ва «Тропик» деган ичимликлар бор. Улар банан, лимон, апельсин шарбатларидан тайёрланган. Бундан ташқари «Наврўз» ичимлиги ҳам истеъмолчиларга манзур бўлади.

Бирлашма Мустақиллик байрами арафасида яна бир муҳим янгиликни кашф этмоқда. Бу, янги қўшма корхонада тайёрланаётган пластмасса идишлардир. АҚШнинг «Пепси» фирмаси ускуналари, Германиянинг «Крупкорпласт» хом ашёси, Австриянинг «Энгель» фирмаси тажрибаси асосида ишлаб чиқариладиган бу идишлар синмайди, енгил ва чидамлидир.

Бу янги идишлардан ҳозирча мевали ичимликлар учун 52 миллион ва Тошкент суви учун 11 миллион дона ишлаб чиқарилди. Бирлашма бош раҳбари Ғулом Одилов Мустақиллик байрамига аталган меҳнат совғалари ҳақида ана шу янгиликларни маълум қилди.

**Н. ҲАЙДАРОВ.**

## РАҚҚОСА МУСТАҚИЛЛИК ТИМСОЛИДА

**● ЎЗБЕК миллий рақс санъатининг лобарлари ҳам серқуёш диёримизнинг тўнғич қутлуғ байрамига муносиб ҳозирлик кўришмоқда.**

Рақс термамиз жамоаси «Мустақиллик» деган янги композиция тайёрлади. У Тошкентнинг бош майдонида байрам томошасида ижро этилади. Унда ёш истеъдодли раққоса Олимахон Ёқубова ўзбек халқининг озодлик, ҳурлик, эрк ҳақидаги асрий орзу-истакларини рамзий ифодаловчи ёркин сиймо сифатида майдон узра ҳиром этади.

«Мустақиллик» композициясини балетмейстер Эркин Султонов, бастакор Бахтиёр Алиев ижод қилганлар. Уни ижро этишда «Баҳор» ансамбли раққосалари ва Ўзбекистон халқ артистлари Қаҳрамон Дадаев, Хайрулла Лутфуллаев ва бошқалар ҳам қатнашадилар.

**Маъмура ЭРҒАШЕВА,**
**М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамблининг бадиий раҳбари.**

## «ОЛҒА» ГАЗЕТАСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ

**Газета ўзининг 60 йиллик таваллудини Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда нишонлади.**

Юбилейга бағишланган тантанада Чироқчи район ҳокими Рашид Норбўтаев газета босиб ўтган шонли йўл тўғрисида маъруза қилди. Шундан сўнг ижодий коллективни, ишчи-қишлоқ мухбирларини узоқ яқиндан келган меҳмонлар, журналистлар, муштарийлар қизғин муборакбод этдилар.

Тантанада ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов ва вилоят ҳокими ўринбосари Раим Раҳмоновлар қатнашиб, «Олға» жамоасини шонли юбилей билан табрикладилар.

**К. МУСАЕВ.**



**Уз меҳнати самарасини кўрган деҳқон қувончига таъриф йўқ! Жиззах вилоятининг Арнасой районидаги «Туркистон» давлат хўжалиги миришкорлари баракали меҳнат қилдилар. Биргина Шариф Эгамбердиев етакчилик қилаётган бригада аҳли бу йил 620 тонна узум, 40 тонна сабзавот маҳсулотлари ва бошқа ноз-неъматларни эл дастурхонига етказиб бериш ниятидадир. Шу кунларда помидорлар пешма-пеш истеъмолчиларга жўнатилмоқда.**

**СУРАТДА: иқтисодчи Рустам Миртошев (ўнгда) бригада ишчиси Усмон Абдиев билан янги ҳосил сифатини кўздан кечирмоқдалар.**

**У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.**

● *Тадбиркорлар бор бўлсин*

# МАҲСУЛОТИМИЗНИ ЎЗИМИЗ СОТАМИЗ

## ҚАРШИ РАЙОН МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОМБИНАТИ СИФАТЛИ ВА НИСБАТАН АРЗОН ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА

Комбинатнинг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ишда кўп йиллар 242-механизациялашган кўчма колоннага раҳбарлик қилиб келган Ғулом Арслонов ташаббускор бўлди. Район раҳбарияти унга 1990 йили қолоқ тармоқни тиклаб беришни таклиф қилганда иккиланиб ўтирмади. Оғир ишдан чўчимади. Қурувчилиги қўл келди. Ташландиқ иморатни таъмирлаб, комбинат ташкил этди. Ҳар ердан тикув машиналари топиб келиб, созлаб ишлатди.

Дастлабки йили 27 кишилик жамоа билан 130 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга эришилди. Орадан бир йил ўтгач, жамоа аъзолари 270 нафарга етди, 3 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Цехлар сони оша борди. 9 та цех ташкил топди. Тикувчилик цехи 32 хил буюм, жумладан, эркак ва аёллар кўйлаклари, хотин-қизлар халати, яктаклар, ўқувчилар формалари, кўрпа-ёстиқлар ва уларнинг жилдлари каби буюмлар тикмоқда. Бу нарсалар анча арзон, сифати давлат корхоналариникидан қолишмайди. Каштачилар меҳнатига ҳам тасаннолар айтгингиз келади. Сўзана, белбоғ ва жойнамоз сингари сержилва гулли буюмлар кўзни яшнатадиган даражада сифатли. Гилам цехи жамоаси тўқиётган маҳсулотлар нақшинкорлиги билан киши диққатини ўзига тортади.

— Бу гиламлар қаерда тайёрланади? — сўрадик директордан.

— Ўзимизда. Райондаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида очилган гиламчилик цехи жамоа аъзолари шундай қалин гиламлар тўқишни ўзлаштириб олишди, — деб таъкидлади у. — Қаранг, гиламдўзлик корхоналариникидан қолишмайди-а?

Тўқимачилик цехи ишчилари тайёрлаётган «Ангор» жемпери ва бошқа тўқима буюмлар арзонлиги ва бежиримлиги билан аҳоли эътиборини тортмоқда. Қандолат цехи ширинпазлари ишлаб чиқараётган новвот, парвардалар харидоргир. Бир йилда 110 тонна қандолат тайёрланяпти.

Яқинда асаларичилик участкаси ҳам ташкил этилди. Ҳозир 150 уяда асалари боқилмоқда. Буни 500 уяга етказиш мўлжалланяпти.

Маҳаллий саноат комбинати ўз маҳсулотларини сотиш мақсадида Бешкент шаҳрида 2 та дўкон очди. Дўконлардаги буюмлар матлубот жамиятига қарашли дўконлар товарларидан анча сифатли ва қарийб 20 фоиз арзонлиги билан диққатга сазовор. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий саноатчилар келтираётган наф салмоқли.

Комбинат директори кейинги пайтда бу ерда ишлаб чиқариш тизими ривожланаётгани аҳолини иш билан таъминлаш имконини бераётганлигини айтиб қолди. Ҳозир корхона цехларида 450 нафар киши меҳнат қилаяпти. Келгуси йили жамоада 670 нафар ишчи ва муҳандис-техник ходим меҳнат қилиши кўзда тутилмоқда.

Корхонада ишчи касбини улуғлаётган донгдорлар кўп. Улар орасида тикувчи, Моҳигул Раҳимова, Гўзал Тўраева, Рисолат Ҳайдарова, каштачи Дилбар Амирова, Маҳбуба Эшқувватова, тўқувчи Кафета Надаева, ёшлар мураббийси уста Асия Бакирова, гиламчилардан Дилфуза Шониёзова, Дилором Ҳафизова ҳам бор. Шундай ишчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли ўтган олти ойда 5 миллион 552 минг 900 сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди.

— Бу йил камида 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқчимиз, — дейди комбинат директори, ХДП аъзоси Г. Арслонов. — Бунга имкониятларимиз етарли. Маҳсулот турларини янада кўпайтириб борамиз. Лекин комбинатнинг ўзига хос муаммолари, қийинчиликлари ҳам бор. Хом ашё таъминотида бироз қийналяпмиз. Савдо ташкилотлари ҳам буюмларимизни сотишда «эринчоқлик» қиляптилар. «Қаловини топса, қор ёнади» деганлар. Энди савдо нуқталарини кўпайтириб, ўз маҳсулотимизни ўзимиз сотиш чораларини кўряпмиз. Маҳсулотимиз арзон ва сифатли. Шунинг учун пеш тахталарда туриб қолмаяпти. Энг муҳими, аҳолининг истеъмол буюмларига талабини қондириш учун тадбиркорлик кўрсатавериш ҳаракатидамиз.

**М. КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

● НАМАНГАН.

## «АЛ-КАБИР» САҲНАЛАШТИРИЛДИ

**● БАЙРАМ арафасида Хоразм эли ва Қорақалпоғистон халқининг паҳлавони Ал-Кабир ва унинг тақдири, адолат ва шафқатсизлик ҳақидаги драма саҳналаштирилди.**

Асарни ёш драматург Суҳбат Абдулло Маматхон Аскаров билан ҳамкорликда яратди. Спектаклни Маматхон Аскаров саҳналаштирган. Саҳна безаклари Эркин Азизов мўйқаламига мансуб. Бош қаҳрамон Ал-Кабир роли артист Маъруф Ниёзовга топширилган. Паризод ролини республикада хизмат кўрсатган артист Маърифат Қорабоева ўйнайди. Хоразмшоҳ — Собиржон Соҳибов, паҳлавон онаси — Садриддин Омонов, Замина — Ҳафиза Мадраҳимова-ларнинг чиқишлари яхши таассурот қолдирмоқда.

Спектакль премьерасида таниқли артист Наби Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсаган санъат арбоби Каримжон Йўлдошев, драматург Машраб Бобоев, қатнашдилар.

**Т. СУЛАЙМОНОВ.**

**Қарши йирик панелли уйсозлик корхонасидан қурилиш материаллари олаётган Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах, Қорақалпоқ қурувчилари мамнун. Шу йил бошида завод жамоаси яна бир неча шундай уйларни жўнатишни зиммаларига олишди. Бу маҳсулотлар харидоргирлигининг боиси бор. Сифатли ишланган бу товарадан ўрнатилишига қараб мактаб, турар-жой бинои, болалар боғчаси қуриш мумкин.**

**СУРАТДА: 9-цех бошлиғи Баҳодир Шамсиев, завод техниги Олим Жўраев ва назоратчи Нурия Абдурафиқова афғонистонликларнинг буюртмасини жўнатиш арафасида.**

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**



● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

## ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

**● Элликқалъа район-идаги «Ўзбекистон» совхоз-техникумн хўжалигида қуёнчилик фермаси ташкил этилди.**

Фермага Мақсуд Айтмуротов раҳбарлик қилмоқда. Дастлабки пайтда 50 та қуён бор эди. Йил охиригача жониворларни 600 тага етказиш мўлжалланмоқда. Ферма мудири, ветеринария врачи қуёнларнинг соғлом ўсиши ва ривожланишига алоҳида эътибор бермоқдалар.

— Келаси йили қуёнлар сонини 2 минг бошга етказамиз, — деди хўжалик раҳбари Х. Йўлдошев. — Қуёнлар гўшт, тери етиштиришнинг омили, етти хазинанинг биридир. 1993 йилда 4 тонна қуён гўшти етиштирамиз. Болалар боғчаларига, ошхонамизга парҳез гўшти бериб, ортиқчасини давлатга топширамиз. Қуён терисини қайта ишлаб, телпак тикишни режалаштиряпмиз.

**Р. ЕШИМБЕТОВ.**

● *МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ*

# ЗОР ҚАҚШАГАН ЙЎЛОВЧИЛАР

## ЁКИ «ҚЎЛТИҚ ТАЁҚЛИ» АВТОБУСЛАР ХУСУСИДА

«Йўл азоби — гўр азоби» деб бежиз айтилмаган. Сафар истаб йўлга чиқдингизми ё оёқ ёки бел хорийди. Энди бўлса ҳамён ҳам «хорийдиган» кунлар келди. Чунки йўлкира осмон қадар ошиб кетди.

Бироқ қани энди, ҳамён тешилиб бўлса-да, кўзлаган манзилингизга вақтида етиб олсангиз. Сиз бормоқчи бўлган йўналишга кунора, ҳатто ойора ҳам автобус қатнамайди. Кўзингиз тешилиб йўл пойлайсиз, автобус излайсиз...

Нега? Нима, ёнилғи ёки автобус етишмайдими? Ёхуд баҳайбат автобуслар қуён мисол ғойиб бўлдими? Бозор, бозор деди-гу, осонгина манзилига етган йўловчиларни бугун ярим йўлда қолдирдик. Эркин нарх дедингу, сафарга отланганларни уйдан чиқармай қўйдик. Таваккал қилиб чиққанлар бўлса, хонадонига етолмай сарсону саргардон. Қаерда дейсизми? Марҳамат танишинг бобокалонимиз номи билан аталувчи кенжа Навоий вилоятида. Худди шу кеча-кундузда мазкур вилоятнинг автомобиль шох бекатида бўлсангиз борми, турли ёшдаги йўловчиларнинг автобус кутиб жазирама иссиқда терлаб, асаби таранглашганларнинг аҳволига ачинасиз. Хулласи калом, «Йўл азоби — гўр азоби», деган халқ нақлига яна бир мисол айтсак.

— «Хатирчи — Зарафшон» йўналишида автобуслар батартиб қатнаб турувди, — дейди алам билан меҳнат фахрийси, кекса отахон Усмон Пардаев. — Нима бўлди-ю, автобуслар қатнови тўхтаб қолди. Натижада биз, йўловчиларга қийин бўлди. Бекатда саргайиб, худодан илтижо қилиб ўтирибмиз.

Бундай кинояли сўзларни конимехлик ўқитувчи Омондиқ Кузимбаев, хатирчилик Абдумўмин Қўлдошевлардан ҳам эшитдик. Ўзи «жанжаллашиб» турган, қўлида иккита тўр халта кўтариб олган отахон сари яқинлашдик. У киши ҳам саломаликни насия қилиб, дилидагини тилига чиқариб қолди:

— Ўн, ўн беш кундан ошдики, «Арабсаройга» автобус йўқ. Винойидек қатнаб турган пушти (автобусни назарда тутяпти) бирдан йўқолди. Нима эмиш: йўл ёмон, мошинга мой йўқ эмиш. Ахир, йўлкирани 6 сўмга, ёнилғининг ҳар литрини 10 сўмга чиқарганлар мойни кўпайтирмайдими?

Кейин билсак, отахон навбаҳорлик нафақахўр Сайфи Асадов экан. «Конимехга автобус йўқ», «Ажримга кетолмаяпмиз», «Қайрағочга қачон мошина бўларкин?», «Зиёвуддин автобусини кўрганлар борми?» қабилидаги сўзларни автобекатдаги йўловчилардан эшитаверинг, қулоғимиз қоматга келди.

Ахийри ҳақли саволларга жавоб излашга тушдик ва Навоийдаги энг катта автобус хўжаликларидан бири — 23-автокорхонага бордик. Корхона директори Турсун Самадовга вилоят шох автобекатидаги аҳволни обдон тушинтирдик ҳамда рўзномамиз таҳририятига бу тўғрида кўплаб шикоят мактублари тушаётганини айтдик.

— Хўш, бу сингари аҳвол фақат биздами? — дея гап бошлади директор. — Ахир автопаркимизда 163 та автобус бўлиши керак, амалда 151 та машина бор, холос. Бу, режадагидан 12 та автобус кам, деганн. Масаланинг яна бир чигал томони бор. Биз кейинги 4 йил ичида 64 та ўрнига атиги 4 та машина олдик. Бунинг устига баллон, аккумулятор ва бошқа эҳтиёт қисмлар йўқлигидан ҳозир паркда 73 та автобус рейсга чиқмай турибди...

Ҳа, азиз муштарий! Мана, сизга асл манзара. Ҳар хил маркадаги 50 фоиз автобус «қўлтиқ таёқ»қа суяниб, корхона ҳовлисида савлат тўкиб тургач, қандай қилиб йўловчи ўз манзилига етиб олсин? Энг ачинарлиси шундаки, автокорхонанинг ёнилғи, эҳтиёт қисмлар ҳисобига давлатдан 3,5 миллион сўм атрофида қарздорлигидир. Шу боис янги техника сотиб олиш ҳамда шоферларнинг ойма-ой маошларини бериб туриш ҳам ора йўлда. Қўл калта бўлгач, «Икарус» автобусининг ҳар қайсиси 12 минг сўмдан бўлган баллонларини ёки ҳар донаси 8—10 минг сўм турадиган аккумуляторларни қандай қилиб сотиб олиш мумкин? Худди шунга ўхшаш эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли Мардон Эгамбердиев, Аббос Бобоев, Виктор Корташов, Абдулла Файзиевларнинг автобуслари ремонталаб, корхона ҳовлисини «тўлдириб» турибди.

Хатирчидаги 156-автокорхона (директори М. Абсаломов), Зарафшон шаҳридаги 49-автокорхона (директори М. Бурҳанаев), ёхуд Конимехдаги 106, Навоийдаги 21-автокорхоналарда ҳам аҳвол шу. Бу корхоналарда кўплаб автобуслар ремонтчи ва слесарларни кутиб, баллонсиз, эҳтиёт қисмсиз қийшайиб ётибди.

Оқибатда шаҳарлараро ва вилоятлараро қатновлар издан чиқмоқда. Чунончи Қарши, Томди, Авангард, Каттақўрғон, Бухоро, Самарқанд йўналишларига ҳам автобуслар кам қатнаяпти. Агар «Хатирчи — Самарқанд» йўналиши бўйлаб кейинги 15 кун давомида автобус қатнови мутлақо йўлга қўйилмаган бўлса, бир ой давомнда Жалоир, Ажрим, Конимех (Зарафшон магистрал йўли бўйлаб) бирорта ҳам автобус юрмаган.

Шундай бўлгач, йўловчи қаерга бошини урсин, кимга мурожаат қилсин? Таксига ўтирай деса, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳамён кўтармайди. Автобусга чиқай деса — йўқ. Хуллас, сафарга отланган навоийликлар бугун йўл азобидан чарчашган, асаблар таранглашган. Наҳотки, бу аҳволни вилоят автотрести раҳбарлари, қолаверса автокорхоналар директорлари кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга олишади.

Ахир, йўлкирани оширдикми, демак қандай бўлмасин, йўловчини манзилига етказишимиз, уларга намунали транспорт хизмати кўрсатишимиз ҳам керак-да? Ўзи бозор муносабатлари, эркин нархлар азоби ҳиқилдоғига қадар етган фуқароларни, йўловчиларни у ёки бу баҳона билан яна қийнаш инсофданми?

Мустақилликни мустаҳкамлаб, доруломон кунларга яқинлашаяпмизми, демак халқнинг ҳақли талабини ўз вақтида қондиришимиз, йўловчилар оғирини енгил, узоғини яқин қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

**М. ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**





• *Воқеа арафасида*

# ШИНЖОНГ — ОҒАЛАРИМИЗ ДИЁРИ

## ТОШКЕНТДАН УРУМЧИГА САМОЛЁТЛАР ҚАНТАЙДИ

**● Мустақил Ўзбекистон пойтахти Тошкент билан Хитой Халқ Республикасининг Шинжонг райони маркази — Урумчи шаҳарлари ўртасида мунтазам самолётлар қатновига ҳозирлик кўрилмоқда. Дастлабки техник парвоз Ўзбекистон мустақиллиги байрамига бағишланади. Қуйида уйғурлар маскани ҳақидаги таассуротлар билан танишасиз.**

Мамлакатимиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик яхшиланиб, маданий алоқалар тобора ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан Шинжонг — Уйғур Автоном райони ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Хитой Халқ Республикаси кўп миллатли мамлакат бўлиб, 22 маъмурий ўлка ва бешта миллий автоном районларга бўлинади. Шинжонг ана шу районлардан биридир. Бу районнинг ер майдони бир миллион 700 минг квадрат километр бўлиб, Хитой умумий территориясининг олтидан бир қисмини ташкил қилади. Аҳолиси тахминан 16 миллион кишидан кўпроқ. Шинжонг — Монголия, Россия, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон билан чегарадош. Умумий чегараси 5 минг 600 километрга тенг. МДҲ билан чегараси 3 минг 145 километрни ташкил қилади. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон жумҳуриятлари билан ён қўшнидир. Бу ерда 40 дан ортиқ миллат ва элат яшайди. Уларнинг кўпчилиги уйғурлардан иборат.

Суви ва табиати гўзал диёрда Бўритола-Монгол, Қизилсу-Қирғиз, санжи-Хуайзу ва Байингулин-Монгол автоном областлари бор. Бу ерда областни вилоят дейилмайди, чунки областлар таркибида яна вилоятлар бор. Яна 16 шаҳар ва 73 ноҳия мавжуд. Ўлканинг маъмурий маркази Урумчи шаҳридир. Саноат ва илм маркази ҳисобланган шаҳарда бир ярим миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Шинжонгни шимолдан ғарбга қараб чўзилган Танғритоғ (Тяншан) иккига бўлиб туради. Шимолий Шинжонгнинг иқлими нисбатан салқинроқ бўлиб, чорвачиликка мос. Бугдой, арпа, маккажўхори, мойли зироатлар кўплаб етиштирилади. Боғдорчилик тараққий топган. Жанубий Шинжонгда эса иқлим Ўзбекистонга ўхшаб кетади, бу ерда пахтачилик ва ипакчилик ривожланган.

Ер ости бойликлари жиҳатидан Хитойда олдинги ўринда туради. Бу заминдан нефть, газ, темир, кўмир, олтин, вольфрам, никель, мис ва бошқа қимматбаҳо маъданлар олинмоқда. Шинжонг, айниқса, нефтга бой ўлка ҳисобланади.

Уйғур деган номнинг келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақалади. Бу ном мелоддан уч аср илгари Хитой манбаларида учрайди. Уйғур — уюшган, бирлашган, деган маънони билдиради. Демак, уйғур дегани бир қабиланинг ёки бир элатнинг номи бўлмасдан балки бир қанча қабила иттифоқидан ташкил топган бир халқнинг номидир.

Шинжонг аҳолиси ҳам узоқ давом этган қўзғолон ва жангу жадалларни бошидан кечирган. 1944 йили Шинжонгнинг Или, Олтой, Тарбағатой вилоятларида Гоминданчиларга қарши кўтарилган инқилобга дастлаб Совет ҳукумати ёрдам берган эди. Лекин уч вилоят тўла озод бўлиш арафасида бу ишга яна Совет ҳукумати аралашиб, инқилобнинг бошлиғи (Шарқий Туркистон жумҳуриятининг раиси) Алихон Тўрани СССРга олиб чиқиб кетди. Қолган раҳбарларни Гоминданчилар билан тинчлик битими тузишга мажбур қилдилар. Шундай қилиб 1949 йил Хитой Коммунистлар партиясининг раҳбарлигини қабул қилди. 1954 йили Шинжонгда Шинжонг-Уйғур Автоном райони ва унинг таркибида миллий автоном областлар ташкил қилинди. Шинжонгда «Маданий зўр инқилоб» деган кўтарилишдан кейин қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши гуркираб ривожлана бошлади. Иқтисодиётга эргашиб, маданият ҳам тараққий топмоқда. Айниқса, матбаачилик тез ривожланмоқда. Урумчи шаҳрида адабиётсанъат бирлашмасининг нашри бўлган «Торим» журналидан ташқари йилига тўрт мартадан «Булоқ» (классик адабиёт мажмуаси) ва «Дунё адабиёти» журнали нашр қилинмоқда.

Шу кунларда уйғурлар қадимий уйғур тилида ва кўҳна уйғур ёзувида битилган «Ўғузнома» достони, Будда ривоятлари бўлган «Чаштони иликбек», «Олтин ёруқ», «Маитр симит» каби қатор асарларни, Юсуф Хос Хожининг «Қутадғу билик» достонини, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарини, Мусо Сайрамийнинг «Тарихий хамидия», «Тарихий аминия» китобларини, Аҳмад Югнакий, Саккокий, Лутфий шеърларини ҳозирги замон уйғур тилида ўқимоқдалар. Уйғурлар тарихига оид кўплаб китоблар нашр қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, тили ва дини бир бўлган уйғур ва ўзбек халқлари ўртасида азалий тижорат ҳамда маданий алоқаларни яхшилаш истиқболли йўлга чиқиб олмоқда. Мустақиллик шарофати билан Тошкент — Урумчи оралиғида мунтазам ҳаво йўлининг очилаётгани бу борадаги савобли ишлардан бири бўлиб қолади.

**Санджон САТИШЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги уйғур адабий кенгаши раиси.**



• *Ажиб ҳангомалар*

# ҒИРРОМЛИКМИ, Ё...

41-йилнинг август ойлари бўлиши керак. Ҳали урушнинг даҳшатлари бу ёқларга етиб келмаган, ёхуд ёвни тез орада улоқтириб ташлаймиз, деган «хотиржамлик» ҳукм сурарди. Ёппасига сафарбарликлар бошланмаган, битта-иккита ярадорлар энди етиб кела бошлаганди.

Шунда «фронтга ёрдам» тариқасида Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги кўл-боғда катта хайрия концерти ва унинг ичида бир аукцион — «кимошди савдоси» бўлиб ўтганди. Унга ўша пайтларда товсиниб қолган бир қанча маҳсулотлар, шу жумладан попирос табаги (тамакиси) қўйилганлиги ёдимда.

«Кимошди савдоси»ни концерт иштирокчиларидан... Ҳалимаҳоним олиб борардилар. Хонимни айни довруқ таратган маҳаллари. Бир вақт бир пачка табакини тутиб, булбулдек овозлари билан:

— Мана табаки... Ўн икки сўм, кимошди? — дедилар.

— Ўн беш сўм, — деди йигитлардан бири. Хоним дарров қўлларини чўздилар ва бояги йигит бориб пулни тутқазди.

— Шундан сўнг хоним яна яйраб кетдилар:

— Ўн беш сўм бўлди, кимошди?

— Ўн саккиз сўм, — деди яна биров. Хоним унинг ҳам пулини олиб савдо ҳайатига топширдилар.

Ҳалимахонимнинг қўлига пул тутқазишдек шарафга муяссар бўлганликларидан «бошлари айланган» йигитлар «бақа бўлиб» қолишганди. Аукционни шунақа бўлса керак, деб ўйлабми, билмадим, ҳар ҳолда молнинг нархини пайдар-пай ошириб боришарди.

Лекин бир вақт ўйлаб қарашса, пул бекордан бекорга «чапак» чалиб кетавердиган. Қўйингчи ўша бир пачка тамаки 36 сўмга чиққанида ҳеч ким нархини оширмади. Ва у ахийри шу пулни берган йигитнинг қўлига тегди...

Ҳайрон эдим: аукцион қоидасига кўра энг охирги харидорнинггина пулни олиш ва шундан сўнг бошқа нарсанинг савдосига ўтилиши керак. Ундоқ бўлмайди. Ё қоидани ҳеч ким билмасди, ёки бошлиқ билса ҳам жўртага индамай турар ва шу тахлитда ғирром савдо билан анча мунча пул «ишлаб олишганди». Хуллас концерт бошлангунига қадар шу тахлитда бир дастурхон пул йиғилди.

# *ШАНБАЛИКНИНГ ТАЪРИФИДАН*

Етмиш йилдирки, инқилобий анъана — машҳур шанбаликни эслаб, ҳар йили кўкламда бирор куни умумхалқ ҳашари ўтказилиб келинди.

Она маҳаллам Зарқайнар — эски шаҳар қиндигига яқин жойда. Шаҳарнинг ғовури бу ерга келиб турарди.

Инқилоб байрами бўлиб ўтди. Ундан бир-икки ой кейин Ленин ўлган мотам куни келди...

Айни кўклам кезлари эди. Ойнисабиби бозор қилиб Эски жува орқали кетаётса одамлар яна байроқ, алвон кўтарган, елкага кетмон ташланган, қўлида белкурак ушлаган... Карнай-сурнай. Хуллас нималигини тушунолмаган. «Уйга бориб Бўрибибидан сўрайчи, ҳар ҳолда хат-саводли, оқ-қорани таниган аёл», деб кўнглига тугиб қўйган ва маҳаллаларига келибоқ қўшнисиникига чиққан:

— Бўрибиби, яна нима ғовур, кўча-куй тўс-тўполон?

— Ҳа, бугун Ленинни хода кўтарган куни экан, — деб жавоб қайтарган эканлар бувим раҳматлик.

**Шарофиддин КЎНЧИ.**

## АДИБ ТАВАЛЛУДИ ОЛДИДАН

Абдулла Қаҳҳор уй-музейи илмий кенгашининг йиғилиши бўлди. Кенгаш аъзолари таниқли адиб таваллудининг 85 йиллигига тайёргарлик қандай бораётганини муҳокама қилдилар. Сўзга чиққанлар уй-музей экспонатларини ёзувчининг ҳаёти ва фаолияти даврларига қараб жойлаштириш зарурлигини айтдилар.

**(ЎзА мухбири).**

# ТЕТИК ВА БАРДАМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

**Ҳурматли редакция. Биз кексалар ўзаро гурунглашиб, турли соҳа-мавзуларда баҳслашиб ҳам қоламиз. Яқинда орамизда бир гап бўлиб ўтди. Ҳеш ларимиздан бири Россия томонларда Иванов деган бир одамнинг қишин-ёзин яланғоч, кўпинча ўрмонларда яшаб юриши ва ҳеч қандай касалликка чалинмаслиги ҳақида айтиб қолди. Кўпчилик бунга ишонмади. Имкони бўлса шу ҳақда маълумот берсангизлар.**

**А. АБДУМАЛИКОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**

Гапнинг сирасини айтганда, отахонларни қизиқтирган ўша Иванов ҳақидаги гаплар ҳақиқат бўлиб, бу борада газетларда кўп марта ёзилган. Рус халқи учун ниҳоятда ҳурматли бўлган бу одамнинг исм-шарифи Порфирий Корнеевич Иванов бўлиб, ҳозир у кишининг оламдан ўтганига бир неча йил бўлган. Зеро, у кишини ҳудди авлиёдек ёдга олишади. Ажиб табиатли бу инсон ўзининг фалсафий қарашлари, фикр-мулоҳазалари ва ғоялари билан илоҳийлаштиришга арзигудек таъсурот қолдирган. Унинг одамларга яқин бўлгани, ўзининг турмуш тарзи билан таъсир ўтказгани учун қатағон ҳам қилинган.

Аммо ўлимидан кейин унинг кўрсатмалари, йўл-йўриқлари ва хосиятли ўгитлари шунчалик оммалашиб кетдики, ҳозир қанчадан қанча кишилар ҳамиша соғлом ва бардам бўлиш учун унинг йўлидан изланмоқдалар. Йилига 5-6 марта унинг ўгитларини оммалаштириш борасида ўзига хос илмий конференциялар ўтказилади. Одамлар ҳар йил февраль ва апрель ойларида, яъни унинг таваллуд топган ҳамда ўзига хос турмуш тарзини танлаган кунни нишонлаш учун Иванов туғилиб ўсган ватани — Луганск вилояти нинг Свердловск районидаги Юқори Кундрючий хуторига таширифбуюрадилар. Келинг, яхшиси Порфирий Ивановнинг ажиб ўгитларидан айримлари билан танишинг. Ўйлаймизки, фойдадан ҳоли бўлмайди.

● 1. Кунига икки маротаба табиий совуқ сувда чўмилгинки, табиатинг равшан тортсин. Хоҳлаган жойда кўлми, дарёми, ваннами, жила бўлмаса душ қабул қилса ҳам бўлаверади. Шароитга қараб-да. Ҳар ҳолда иссиқ сувда чўмилишни совуқ сувда ювиниш билан якунласа, хосиятлироқ кечади.

● 2. Чўмилишдан олдин ёки кейин, иложи бўлса уйғунлаштирган ҳолда табиат қўйнига чиқ, оёқ яланг юр. Қишда бўлса қор кеч. Кўп эмас, бир икки дақиқа кифоя қилади. Оғзинг билан бир неча бор чуқур нафас ол, хаёлан одамларга яхшилик ва саломатлик тила.

● 3. Ичма ва чекма.

● 4. Ҳафтада ақалли бир марта — жума куни соат 18-20 дан якшанба соат 12 гача овқат ва сув тановвул қилманг. Агар қийналсангиз бир кеча-кундуз ҳам кифоя қилади.

● 5. Якшанба куни кундузи соат 12 ларда табиат қўйнида оёқ яланг юриб, чуқур нафас олинг, фикрланг ва осмонга қараб худонинг борлигини ёдингизга келтиринг. Билсангиз бу танангиз учун ўзига хос айёмдир. Шундан кейингина истаган нарсангизни еб-ичишингиз мумкин.

● 6. Сизни ўраб турган табиатга меҳр қўйинг. Атрофингизга ҳеч тупурманг. Чунки одамда тупуриб ташлайдиган ортиқча нарсанинг ўзи бўлмайди. Шунга одатланинг. Бу саломатлигингизнинг гаровидир.

● 7. Ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда, ҳамма билан, айниқса, ёши улуғлар билан саломлашинг. Ўзингизга соғлиқ тиласангиз бошқаларга ҳам шуни раво кўринг.

● 8. Касалванд, ночор, боқувчиси йўқ кишиларга қўлингиздан келган ёрдамингизни аяманг. Бу ишларни чин кўнгилдан адо этинг. Иш билан сўзингиз бирлиги кўриниб турсин. Шунда осойишталикка ҳисса қўшиб, дўстларингиз давраси кенгайишига имкон топасиз.

● 9. Ўзингиздаги бахиллик, ялқовлик, манмансираш, қўрқув, тилёғламалик ва мағрурланиш каби иллатлар устидан устун туринг. Одамларга ишониб, уларга меҳр қўйинг. Улар ҳақида ноҳақ ва адолатсизлик сўзларни сўзламанг ва бўлар-бўлмас фикрларни кўнглингизга тугманг.

● 10. Турли касалликлар, маъюсликлар, иккиланишлар ва ўлим ҳақидаги бемаъни фикрлардан холи бўлинг. Бу сизнинг ғалабангиз бўлади.

● 11. Қилаётган ишларингиз фикрингиздан йироқ бўлмасин. Ўқдингизми, яхши. Муҳими билганларингизни амалда қўлланг.

● 12. Билганларингиз ҳақида одамларга гапириб беринг. Тажрибаларингизни ўртоқлашинг, фақат мақтанманг, манмансираманг, камтар бўлинг.

Мен илтимос қиламан ва одамларга илтижо қиламан: табиатдан ўзингизнинг муносиб ўрнингизни топинглар. Бундай жойни ҳеч ким банд этолмайди ва сотиб ҳам ололмайди. Фақат ишимиз ва меҳнатимиз билан ўз қадримизга етсак, ҳамиша соғ ва бардам бўлишга имкон топамиз...

Порфирий Иванов ўзининг ана шундай умуминсоний, фалсафий мушоҳадалари билан одамларга кўнгил очгани ва саҳоватпешалик қилгани учун ҳам обрў-эътибор топиб, бугунги кунда қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, номи улуғланиб турибди. Умуман, унинг ўгитлари оддий ва содда. Чунки, унинг айтганларига амал қилсак, кундан кунга ёруғ жаҳонга бошқатдан келгандай ҳис этаверамиз, ўзимизни.

**Тайёрловчи**
**Ҳ. НОСИРОВ.**

• *А Ж А Б Д У Н Ё*

# ОДАТЛАР, ҚАДРИЯТЛАР

**● «Ўзбекистон овози»нинг шу йил 7 июль сонида босилган «Бидъат ва хурофот» мақоласи юзасидан таҳририятга қўнғироқлар бўлмоқда, хатлар келмоқда.**

**Шундай қўнғироқлардан бирида Юнусобод туманида яшовчи ТОШПЎЛАТОВ Қобилжон Одилжон ўғли ушбу мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини муштарийлар билан ўртоқлашиш ниятида эканини билдирди. Мухбиримиз у билан лутфан суҳбатлашди. Қобилжон Одилжон ўғли 29 ёшда. Афғон урушида иштирок этган. Тошкент Давлат дорилфунунининг Шарқшунослик куллиётида таҳсил кўрган. Пойтахтимизнинг таниқли руҳонийлари, диний олимлари қўлида таълим олган. Айни пайтда 1-«Отчопар» маҳалласидаги масжид-мадраса қурилишига раҳбарлик қилаётир.**

— Мақолада яхши мавзу кўтарилган. Айниқса, тўй-ҳашамлар мавсуми бошланган пайтда у ҳар жиҳатдан фойдалидир. Муаллиф фикрларига тўла қўшилган ҳолда уни айрим жиҳатлар билан тўлдирмоқчиман.

Аввало, Ислом исрофни ортиқча дабдабаларни қатъиқ қоралайди. Қуръони каримнинг (Нисо) яъни, аёллар деб номланган сурасида аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида ва тўй арафасида куёв томонидан бериладиган маҳр ҳақида ҳикоя қилинади. Маҳр шариат ҳукми билан белгиланган эмас. Балки урф-одатдир. Уни беришга қодир бўлганлар ҳам, ночорлар ҳам бор. Шунинг учун ҳар бир киши ўз шароитидан келиб чиқиб бу масалага тўғри ёндашмоғи лозим. Жуда катта миқдорда қалин пули ундириш ёки бўлмаса тўйларни серҳаражат ва ортиқча дабдабавозлик билан ўтказиш бизнинг шариатимизга зид бўлган амаллардан. Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисалом Ҳадисларида уйланиш ёки турмушга чиқишда наларга аҳамият беришга тўхталиб, шундай кўрсатма берадилар: «Яхши хулқли киз ёки йигит билан турмуш қуриш. Чунки яхши хулқ имонинг бир бўлаги. Ҳуснига мафтун бўлиб турмуш қурмаслик. Чунки ҳусн оллоҳ томонидан бандасига берилган ўткинчи бир неъмат.

Ота-онасининг насл-насабига ёки бойлигига ўчмаслик. Чунки бойлик лавозим ҳам ўткинчи орзу-ҳавас.

Солиҳ ва солиҳа қизйигитлар билан турмуш қуришга аҳамият бериш. Солих яъни, икки дунё саодати учун хизмат қиладиган инсонларга қуда-анда бўлиш кераклигини марҳамат қилганлар. Бир сўз билан айтганда яхши, серунум ерга сочилган уруғнинг ҳосили ҳам яхши бўлади.

Ҳозирги тўйларимиз ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, кўнгил тўларли, ибрат олса бўладиган жиҳатлари кам. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисалом Ҳадисларида марҳамат қиладиларки, «Ким қайси миллатга ўхшашга интилса, у ўшалар жумласидандир» деганлар. Мозега мурожаат қиладиган бўлсак, бизнинг ҳам ибрат олса арзийдиган урф-одатларимиз кўп бўлган. Аммо ҳозирги кунда тўйларда эркагу аёллар бир дастурхон устида ўтириб, оллоҳ ҳаром қилган ичимликларни тановвул қиладилар. Натижада турли хил дилозорликлари келиб чиқади. Ижро этилаётган қўшиқлардан тортиб ҳатто устимизга кийган никоҳ либосларимиз ҳам ўзимизники эмас. Агар ҳақиқатни тушунтирмоқчи бўлсак, маданиятдан орқада қолибсиз, деган турли баҳоналарни юзимизга солишади. Аммо ўзлигини унутиш, минг-минг йиллар давомида ота-боболаримиз кўз қорачиғидек сақлаб келган қадриятларимизни, урф-одатларимизни унутиш, менимча маданиятли кишиларнинг ишлари бўлмаса керак. Оталаримиз ҳикояларидан маълум бўладики, тўй маросимлари таъсирчан ва ибрат олса бўладиган даражада ўтар экан. Ҳатто, ўша никоҳ куни куёвлардан дуолар олиб, яхши тилак-ниятлар билдиришар экан. Ҳозир эса қўлига арақ тутиб, бемаза қилиқлар билан оғзимиздан нима чиқиб турганини ўзимиз билмай қоламиз. Бу тўйлардаги исрофни, турли хил ичимликни ва тўйдан сўнг бўладиган нохуш ҳодисаларни ибрат қилиб кўрсатиш мумкинки, ахир.

Аза қилиш, муддати уч кун деб шаърий ҳукм белгиланган. Мақолада айтиб ўтилган маросимлар ёмон бидъатлар жумласига киради. Ота-она ёки бир яқин кишимиз дунёдан ўтгандан сўнг дабдабали эҳсонларга эмас, қабрларга қўйиладиган тошларга эмас, балки орқаларида қолган зурриётларни яхши ҳулқда бўлишга, уларнинг ҳақларига дуойи-истиғфорлар юборишга муҳтож бўлар экан. Ота-она ҳаётлигида даврида қарор топган қариндош-уруғчиликни узмай, яхши муносабатда давом эттирганларнинг руҳи шод бўлар экан.

Тошкентда баъзи зиёли кишилар етти, йигирма ва бошқа маросимлардан воз кечишмоқда. Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда бундай маросимлар қаршиликка учрамоқда. Бу борада диний уламоларимиз, яъни айрим имом хатибларимизнинг хизматлари катта бўлмоқда. Айниқса Тўхтабой масчит жомеъсининг имом ҳатиблари Обидхон хожи Собитхон ўғлиларининг хизматлари мақтовга лойиқдир. Жойларда тушунтириш ишлари олиб бориб, сермазмун маърузалари билан халқимиз, миллатимиз манфаати учун баҳоли қудрат хизмат қилиб турибдилар.

Ҳозир кўп жойларда диний эркинликлар шарофати билан исломий шаърий тўйлар бўлиб ўтмоқда. Ҳеч қандай исрофгарчилик, ичкиликбозлик йўқ. Кишининг кайфиятини бузувчи бачкана қилиқлардан ҳоли. Бу каби тўйларга келганлар фақат моддий манфаат эмас, балки маънавий манфаатга эга бўлиб, яхши миллий қўшиқларимиз, яхши насиҳат — амру-маъруфатлар, яъни Оллоҳ буюрган, Оллоҳ рози бўладиган амаллар ҳақида маърузалар тинглайдилар.

Халқимиз орасида яна пайғамбар оши, деган маросим юради. Бу маросим ҳам мана шу бидъат маросимлар жумласидандир. Бу маросим ҳам мана шу бидъат жумласидандир. Исломда умуман, туғилган кунни нишонлаш одати йўқ. Ёшлари 63 ёшга етган отахон-онахонларимиз дабдабали дастурхонлар ёзиб, дошқозонда юртга ош берадилар. Кечқурун эса тантанали қисм бошланади. Спиртли ичимликлар тортилади. Кайф-сафо қилинади. Шу тарзда Пайғамбар ёшини нишонлаб, ўз кўнгилларида савоб ҳосил қилган киши бўладилар. Аслида бу хилдаги тадбир иймонимизга, Исломга, жаноб пайғамбаримиз руҳи покларига ўтакетган беҳурматликдир. Ҳаттоки энди туғилиб, дунё юзини кўрган фарзандларимизга ҳам дастурхон тузаб, туғилган кунларини нишонлаймиз. Ёш мурғак фарзандларимиз кўз ўнгида қадаҳлар кўтарамиз. Бундан ташқари олтин тўй, кумуш тўй, бриллант тўй, деган маросимлар одат тусига кириб қолди. Бу хилги маросимлар — муқаддас китобимиз Қуръонда ҳам буюрилмаган, миллатимиз тарихида ҳам бўлмаган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар ким ўз урфига, ўз қадриятларига, ўз эътиқоди, диний таълимотига амал қилиб яшаса оллоҳ раҳматига дохил бўлади.

Ирим-сиримлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, Ислом бу масалага танқидий муносабатда ёндашади. Ислом таълимотида фақатгина Оллоҳнинг борлигига ва унинг бирлигига ишониб, Қуръон ва Ҳадис таълимотларига суянган ҳолда ҳаёт кечирмоғимиз керак. Айниқса, аёлларимиз ўртасида ёмон бидъат одатлар кенг тарқалганки, ҳозир ҳам йўқолган эмас. Турли хил кўзмунчоқлар тақиб юриш, тоғ-тошларга сиғиниш, исириқ, тақаларни осиб қўйиб, улардан нажот сўраш Исломда йўқ бўлган амаллардан. Бу хатти-ҳаракатларимиз билан биз Оллоҳга ширк келтириб қўямиз. Бу билан Оллоҳнинг қудратини инкор этган бўламиз ва гуноҳкор бўлиб қоламиз. Нажот берувчи ҳам, турли бало-офатлардан, ёмон кўзлардан сақловчи ҳам Оллоҳнинг ўзи. Шунинг учун нажотни ягона Оллоҳдан сўрамоғимиз лозим. Лекин айрим уламоларимизнинг таълимоти шундан иборатки, кўз тегиш бор нарса деб ҳисобланади. Бундай вазиятларда ««субҳаноллоҳ» калимасини ўқиб юришимиз мақсадга мувофиқ бўлиб, у ҳар қандай ёмон кўзларнинг кучини қирқгусидир.

Сўзимнинг охирида айтмоқчиманки, диний руҳдаги мақолаларни рўзномангиз саҳифаларида бот-бот ёритиб боришингизни Оллоҳ сизларга насиб этсин, омин!

**Суҳбатдош**
**А. МАННОПОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

• *Спорт* • *Спорт* • *Спорт*

## МУСТАҚИЛ ЖАМОА БЎЛАМИЗ

**● БАРСЕЛОНА олимпиадаси якунлари чиқарилиб мусобақа иштирокчиларининг ютуқ ва камчиликлари сарҳисоб қилинмоқда.**

Маълумки, бу сафарги олимпиада мусобақаларида собиқ иттифоқдош республикалар спортчилари МДҲ бирлашган жамоаси ҳисобида иштирок этдилар. Энди мустақил Ўзбекистон спортчилари навбатдаги XXVI олимпиадага алоҳида терма жамоа бўлиб борадилар. АҚШнинг Атланти шаҳрида ўтказиладиган жаҳон спортчилари анжуманида мустақил диёримиз ёшлари ўз мамлакатлари шарафини ҳимоя қиладилар. Бундан буён терма жамоамиз ёшлари йирик спорт маросимларида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини кўтариб ўтадилар. Голиб спортчиларимиз шарафига давлатимиз Гимни садолари таралади.

Барселона олимпиадаси ана шундай хайрли тадбирга ҳозирликнинг муҳим босқичларидан бирига айланди. Спортчиларимиз ҳамда мутахассисларимиз олимпиадада иштирок этиш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ кўпгина нарсаларни ўргандилар. Бонси, республикамиз пойтахти XXVII олимпиадани ўтказишга даъвогар бўлиб турибди.

Йирик спорт мусобақаларида иштирок этиш, совринли ўринларни эгаллаш учун бизда етарли имкониятлар бор. Барселонадан вакилларимизнинг учта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медаллари билан қайтишгани шундан далолат. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасида олимпиадачилар билан журналистлар учрашиб, ана шулар ҳақида фикр юритилди, кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

## ПЕШҚАДАМ ЎРНИ ЎЗГАРДИ

**● БИРИНЧИ лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионатининг 22-тур ўйинлари ўтказилди.**

Биринчи даврани пешқадам сифатида якунлаган Марғилоннинг «Атласчи» жамоаси мавқеини бўшаштириб юбормоқда. Атласчилар навбатдаги учрашувни «Навбаҳор-2» майдонида ўтказиб (1:4) имкониятни бой беришди. Гулистоннинг «Шифокор» футболчилари эса «Багдодчи» жамоасини қабул қилиб (4:0), биринчи ўринга кўтарилишди. Тошкент вилоятининг «Политотдел» футболчилари иккинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—20.55
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 № 163. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.